

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ

ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК (894.375:371.3)**

“Ўзбек адабиёти” кафедраси

АМРИДДИН ТОЙИРОВИЧ ИКРОМОВНИНГ

«Хайрат ул-аброр» достонининг ўрганилиш тарихи

(Т.Жалолов, Н.Маллаев, А.Қаюмов талқинлари асосида)

Мутахассислик: 5A141102-Ўзбек адабиёти

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимоя қилишга рухсат

Магистратура бўлими бошлиғи

_____М.Эсанов

2012 й «____»июнь

“Ўзбек адабиёти” кафедраси

муздирі_____ К.Муллахўжаева

Илмий рахбар: ф.ф.д., проф

_____ Ҳ.Ҳомидий (Ҳомидов)

Тошкент – 2012 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИНИНГ ИЛК ТАЛҚИНЛАРИ.....6

1.1. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг тузилиши, таркиби.....10

1.2. “Ҳайрат ул-аброр” Тўхтасин Жалолов талқинида.....13

2-БОБ. “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” НАТАН МАЛЛАЕВ ТАЛҚИНИДА.....38

3.1. Сюжет ва композиция таҳлили.....41

3.2. Етакчи ғоявий йўналиш, образлар тавсифи.....46

3-БОБ. “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” АЗИЗ ҚАЮМОВ НИГОҲИДА.....45

2.1. Мундарижа баёни ва талқини.....45

2.2. Ҳикоятлар талқини ва таҳлили.....55

УМУМИЙ ХУЛОСА.....64

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....68

ИЛОВА

ГЛОССАРИЙ

АННОТАЦИЯ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, матафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим” {Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008} деган сўзлари ўтмиш маънавиятимиз, жумладан, адабиётимизнинг кўплаб буюк намояндалари ижодига берилган муносиб баҳо десак, янглишмаймиз.

Маълумки, Алишер Навоий ўзининг буюк “Хамса”си билан ўзбек адабиёти тарихида ўзига мангу ҳайкал қўйди.

“Хамса”нинг биринчи китоби “Ҳайрат ул-аброр” достони тўғрисида анча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Уларни қиёсий ўрганиб, таҳлиллار даражасини, улар ўртасидаги тафовутларни аниқлаш услуб бу масалага эътибор берилмаган. Уларни Бизнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонининг ўрганилиш тарихи (Т.Жалолов, Н.Маллаев, А.Қаюмов талқинлари асосида) мавзусидаги диссертациямиз айнан шу ўрганилмаган мавзуга бағишланган.

Тадқиқот мақсади. Навоийшуносликда “Ҳайрат ул-аброр” достонига бағишланган барча таҳлилий адабиётларни ўрганиб чиқиш, улардаги айрим етишмовчиликлар, муштаракликларни умумлаштириш ҳамда бу борада ўз қарашларимизни баён этиш ишнинг мақсадини белгилайди.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги **вазифалар**ни бажариш кўзда тутилган:

- “Ҳайрат ул-аброр” достонининг илк талқинлари;
- “Хамса” талқинларида достон таҳлили даражаси ;
- Академик А.Қаюмовнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони бўйича амалга оширган тадқиқотларини кузатиш ва ўрганиш;
- “Ҳайрат ул-аброр” достонининг Н.Маллаев амалга оширган таҳлилинини ўрганиш ва етакчи жиҳатларини умумлаштириш.

Тадқиқот методи . Тарихий-қиёсий методдан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти. “Ҳайрат ул-аброр” таҳлиliga бағишланган рисолалар ҳамда достоннинг асл матни тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг турли йилларда чоп этилган нашрлари ва устозлар мумтоз адабиётни талқин этиш борасидаги қарашлари.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг миллий ғоя, маънавий қадриятларга доир қарашлари ва адабиётшуос олимларимиздан М.Шайхзода, О.Шарафиддинов, Ойбек, Уйғун, Ҳ.Олимжон, И.Ҳаққул, А.Ҳайитметов,, И.Султон, А.Абдуғофуров, Б.Валихўжаев, А.Ўринбоев, Ш.Сироҷиддинларнинг бу борадаги тадқиқотлари ушбу магистрлик диссертациясининг методологик асосини ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотда қиёсий, типологик таҳлил усулларига риоя қилинди.

Тадқиқотнинг ишланганлик даражаси. Ҳозирга қадар биз кўзлаган муаммо адабиётшунослик илмида мутлақо ўрганилмаган. Тадқиқот жалб этилган олимларнинг ҳаёти ва илмий мероси айрим ижодкорларининг мақолаларида муайян тарзда ўрганилган ҳолос. Масалан, А.Қаюмов ҳақида профессор М.Имомназаров, Н.Маллаев ҳақида профессор Ҳ.Ҳомидийнинг мақолалари мавжуд. Аммо булар ҳам оммавий мазмундаги мақолалар ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимиз эса мутлақо янги илмий йўналишда ва ўзига хос моҳиятда бўлади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. “Ҳайрат ул-аброр” достони кўп олимларимиз томонидан ўрганилган, таҳлил қилинган дарсликларга киритилган. Аммо, ҳозиргача асарнинг ўрганилиш тарихи махсус таҳлил қилинмаган. Мавзумизнинг янгилиги ана шу ўрганилмаган, умумлаштирилмаган муаммога бағишланганлиги билан белгиланади.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг ўзбек адабиётшунослигидаги талқинлари ўрганилиб, илк маротаба режа асосида ёритилди. Асарнинг мавжуд нашрлари қиёсий-типологик усулда ўрганилиб, тафовутлар ва ўхшашлик аниқланди, баъзи янги фикрлар айтилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. “Ҳайрат ул-аброр” достони тарихини ўрганишга бағишланган ушбу тадқиқот материаллари асосида бакалаврият

талабалари ва магистрантларга махсус курс ўқиш, БМИ ёзишда янги далил ва фикрлар сифатида фойдаланилади.

1-БОБ. “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИНИНГ ИЛК ТАЛҚИНЛАРИ.

Маълумки, Навоий “Ҳамса”ни 1483 йили ёза бошлаб, уни уч йилда тамомлаган. Биринчи китоб “Ҳайрат ул-аброр” қачон ёзиб битирилгани тўғрисида шоир бундай хабар беради:

Ҳайроти аброр кўриб зотини,
“Ҳайрат ул-аброр” дедим отини.

Нуқтаи тарихики, аҳсон эди,
Саккизу саккиз юзу сексон эди.

Демак, “Ҳайрат ул-аброр” 888 йил ҳижрий, милодий ҳисобда эса 1483 йили ёзилган.

Ҳиротлик машҳур котиб Абдужамил Навоий томонидан ёзилган “Ҳамса”нинг битган қисмларини пешма-пеш оққа кўчириб борган. Ана шу кўлёзма ҳозир Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида 5018 рақамли инвентарь билан сақланади.

Навоий “Ҳамса”сининг яна бир нодир кўлёзмаси Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонасида сақланади. У Ҳиротнинг машҳур хаттоти Султонали Машҳадий қаламига мансуб бўлиб, 1492 йили кўчирилган.

Навоий ҳаёт пайтида кўчирилган “Ҳамса”нинг тўрт кўлёзмаси бизгача етиб келган.

Кейинги асрларда “Ҳамса” кўп маротаба кўчириб ёзилган, литографик ва типографик усулда нашр қилинган.

Ҳозир фақат Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг ўзида Навоий “Ҳамса”сининг 74 кўлёзма нусхаси бор. Булар XV асрдан то XIX асргача бўлган даврда кўчирилган кўлёзмалардир. Улардан энг муҳимлари Абдужамил котиб қаламига мансуб

бўлган кўлёзма, XV аср охири ва XVI аср бошларида Ҳиротда кўчирилган № 1679 II кўлёмалардир. “Ҳамса” кўлёмаларининг географияси ҳам кенг. Унинг Ўрта Осиё ва умуман, Шарқнинг деярли барча шаҳарларида кўчирилгани ва тарқалгани маълум. “Ҳамса” кўлёмасини кўчиртириш осон бўлмаган. Бу иш анча диққат эътибор ва маблағни талаб этар эди. “Ҳамса” кўлёмасининг тайёрлаган шаҳарларда ана шундай имкониятга эга адабий муҳит мавжуд бўлганидан далолат беради. Яна бу адабий муҳитда Навоий ижоди, унинг “Ҳамса” асарига қанчалар аҳамият берилганини ҳам кўрсатади. Навоий “Ҳамса”сининг тошбосма нашри 1878-88 йиллари Хоразмда амалга оширилган. “Ҳамса” 1894, 1895 йиллари тошбосма усулида Тошкентда ҳам нашр қилинди.

Навоий “Ҳамса”сининг насрий баёнлари ҳам Тошкентда бир неча бор босиб чиқарилган. 1960 йили “Ҳамса”нинг Порсо Шамсиев тайёрлаган тўла танқидий матнини ЎзФА нашриёти чоп этган.

ЎзФА Беруний номли Шарқшунослик институтида Навоий “Ҳамса”сининг биринчи китоби “Ҳайрат ул-аброр”нинг алоҳида ўн уч кўлёмаси бор. Улар асосан XIX асрга оид бўлиб, еттитаси Хоразмда, қолганлари Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Сарикўл шаҳарларида кўчириб ёзилган. Мавжуд обрўли кўлёмалар асосида “Ҳайрат ул-аброр”нинг илмий танқидий текстини биринчи марта тилшунос олим Солиҳ Муталлибов тайёрлаганлар.

“Ҳайрат ул-аброр” ўн беш жилдли Навоий асарлари тўпламининг олтинчи жилдидан ўрин олди (“Тошкент” бадиий адабиёт ва санъат нашриёти, 1995). Бу китобни Порсо Шамсиев нашрга тайёрлаган, масъул муҳаррири Абдуқодир Ҳайитметов.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг рус тилига қилинган бадиий таржимасини Абдуқодир Ҳайитметовнинг сўзма сўз таржимаси асосида шоир В.В.Державин амалга оширди. Бу асар Навоийнинг рус тилида босиб чиқарилган ўн жилдли асарлар тўпламининг III жилдида жойлашган (Т.,

1968). 1974 йили Тошкентда “Ҳайрат ул-аброр”нинг ҳозирги ўзбек тилидаги шарҳи эълон қилинди. Бу шарҳни ҳам Абдуқодир Ҳайитметов тузган.

Навоий асарларининг 20 жилддан иборат тўпламида “Ҳайрат ул-аброр” 7-чи жилдни ташкил этади (Т.19).

А.Ҳайитметовнинг “Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари”, “Навоийнинг ижодий методи” ва бошқа қатор асарларида “Ҳайрат ул-аброр”нинг ғоявий ва бадиий хусусиятлари тўғрисида муҳим мулоҳазалар баён этилган.

“Ҳайрат ул-аброр” тўғрисидаги илмий тадқиқотлар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В.Й.Зоҳидовнинг “Мир идей и образов Навои (т., 1967) ва “Улуғ шоир ижодининг қалби” (Т., 1997) китоблари алоҳида ўрин тутади. Унда Навоий ижтимоий фикрларининг “Ҳайрат ул-аброр”даги баёни шоирнинг бошқа асарларидаги қатор мисоллар билан биргаликдаги Навоий тафаккурининг моҳиятини кўрсатишда муваффақият билан истифода этилган.

Академик И.О.Султовнинг “Навоийнинг қалб дафтарининг” (Т., 1969) “Ҳамса”нинг яратилиши тўғрисидаги бобда “Ҳайрат ул-аброр” ҳақида ҳам сўз боради. Филология фанлари доктори А.Абдуғафуровнинг “Навоий сатираси” (Т., 1966) ва “Навоий ижодида сатира” (Т., 1972) асарларида “Ҳайрат ул-аброр”даги сатирик образлар тўғрисида қимматли мулоҳазалар бор.

Ойбек ўзининг “Навоий гулшани” китобида (Т., 1967) “Ҳамса”нинг бошқа дostonлари қатори “Ҳайрат ул-аброр” таҳлилига қисқа, аммо жуда мазмундор бир боб бағишлаган “Навоий гулшани” Ойбек асарларининг 9 жилдида қайта нашр қилинди (Т., 1974). Адабиётшунос Т.Жалолов “Ҳамса” талқинлари китобида (Т., 1996) “Ҳамса” дostonлари тўғрисида баён этган. Унда “Ҳайрат ул-аброр”га алоҳида бўлим ажратган. Бу асар Т.Жалоловнинг “Нафосат оламида” китобига ҳам киритилган (Т., 1974).

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”и ва унинг Низомий, Ҳусрав Деҳлавий, Жомийлар “Ҳамса”сининг биринчи китоблари билан қиёсий таҳлили профессор Н.М.Маллаевнинг олий мактаблар ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарнслигида алоҳида ўрин тутган. Унда мухтарам олим ўқув дастури доирасида “Ҳайрат ул-аброр” асарининг мазмуни-моҳияти ва ғояларини талқин этган. Бу дoston М.Муҳитдинов томонидан Ҳусрав Деҳлавий асари билан қиёсий таҳлил этилган.

Рус тилида “Ҳайрат ул-аброр” тўғрисидаги муҳим фикрлар профессор Е.Э.Бертельснинг “Навои” монографиясида (М., 1948) мавжуддир. Бу асар Е.Э.Бертельс ТАНЛАНГАН асарлар тўпламининг “Навои и Джами” жилдида қайта нашр этилган (М., 1965) яна Ойбек ва Ал. Дейч томонидан ёзилган “Алишер Навоий” китобида (Т., 1968) “Ҳамса” тўғрисидаги бобда “Ҳайрат ул-аброр”га алоҳида ўрин ажратилган.

Кўриниб турибдики, Навоий “Ҳамса”сининг биринчи китоби “Ҳайрат ул-аброр” тўғрисида анчагина илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо уларнинг ҳаммаси, умуман, Навоий ижодига ёки унда “Ҳамса”нинг тутган ўрнига оид ишларга тегишлидир. “Ҳайрат ул-аброр”нинг мазмуни, унинг ғоявий йўналиши, образ ва персонажлар таҳлилига махсус бағишланган тадқиқот яратилган эмас. Дoston ҳақидаги махсус ишлар ҳозиргача фақат “Ҳайрат ул-аброр”нинг айрим нашрларига ёзилган сўз боши ёки сўнгги сўздан иборат бўлиб келди.

1.1. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг тузилиши, таркиби.

Шарқ халқлари адабиётининг буюк ёдгорлиги “Ҳамса” ҳар бир давр ва авлодлар учун энг манзур ва мўътабар асарлардан бири сифатида эътироф топганлиги барчага маълум. “Ҳамса” – беш достоннинг мажмуи. Навоийдан олдин “Ҳамса” яратган ижодкорлар улуг озарбойжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1209), Ҳиндистон форсий адабиёти намояндаси Хусрав Деҳлавий (1253-1326) ва форс-тожик адабиётининг классиги Абдурахмон Жомийлардир. Навоий ўз замондоши Ашраф деган шоирнинг ҳам “Ҳамса” ёзганини айтади.

Низомий, Хусрав, Жомий ўз достонларини форсий тилда яратган эдилар. Алишер Навоий эса ўз “Ҳамса”сини туркий тилда яратди. Бу иш қисқа муддат орасида муваффақият билан адо этилди. Шундай қилиб Навоий эски ўзбек тилининг бой бадиий имкониятларини намойиш қилди, ўзбек адабиётини ўлмас бир доҳиёна асар билан бойитди. Навоий “Ҳамса”сини ташкил этувчи беш достон қуйидагилардир:

“Ҳайрат ул-аброр”	3988 байт.
“Фарҳод ва Ширин”	5782 байт.
“Лайли ва Мажнун”	3622 байт.
“Сабъаи сайёр”	5808 байт.
“Сади Искандарий”	7215 байт.

Навоий “Ҳамса”сида жами йигирма беш минг олти юз ўн беш байт ёки эллик бир минг икки юз ўттиз мисра шеър бор.

Навоий “Ҳамса”ни 1483 йили ёза бошлаб, уни уч йилда тамомлаган.

“Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) жанр хусусияти ва композиция тузилиши жиҳатидан “Ҳамса”нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. “Ҳайрат ул-аброр” фалсафий-таълимий достондир. Бу асарида Навоий фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини ифодалаш, кишиларга таълим ва ўғит беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Одатда бундай достонда, кўпинча, тема бирор

воқеа сюжетиани ҳикоя қилиш асосида эмас, балки ёзувчининг фикр-мулоҳазалари баёни асосида ёритилади. Бу ҳолат “Ҳайрат ул-аброр”нинг жанрига хос иккинчи бир хусусиятини вужудга келтиради, лирик ифодани, тавсиф ва таърифни асосий ва етакчи ифода усулига, эпик тасвирни эса қўшимча ва ёрдамчи усулга айлантиради. “Ҳайрат ул-аброр”да ҳаёт, воқелик шоирнинг эпик баёни – ҳикояси эмас, балки унинг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуси ва таъриф-тавсифи орқали ёритилади. Шу маънода “Ҳайрат ул-аброр” лирик-тавсифий дostonдир. Бироқ бу ҳолат унда эпик тасвирни, ҳикоя ва масалларни мустасно қилиб қўймайди. Зероки, В.Г.Белинский айтганидек, поэзиянинг уч тури: “Мустақил элементлар сифатида, айрим-айрим мавжуд бўлсалар ҳам, лекин алоҳида асарларда кўриниш бериб, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайдилар. Аксинча, улар кўпинча аралаш ҳолда учрайдилар...”.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг бундай жанр хусусияти унинг композицион тузилишини ҳам белгилайди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг ҳар бир боби махсус бир масалага бағишланади. 7976 мисрадан ташкил топган “Ҳайрат ул-аброр” 64 бобга бўлинган. Булардан 21 боби – муқаддима, 40 боби – 20 мақолот ва 20 ҳикоя ҳамда масал, сўнгги уч боби эса дostonнинг хотимасидир. Дostonнинг асосини 20 мақолот ташкил этади, ҳикоя ва масаллар эса илова тарзида берилади.

Муқаддима Аллоҳ, пайғамбар ва халифалар ҳақидаги анъанавий қисмлардан ташқари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийларга бағишланган бобларни, Ҳусайн Бойқаро мадҳи, сўз таърифи, сўзнинг маъноси, кўнгил таърифи ва бошқа бобларни ўз ичига олади.

Мақолотлар ва уларга илова қилинган ҳикоя ҳамда масалларнинг сираси эса қуйидагича:

1. Имон ҳақида. Илова – Султон Боязид ҳикояси.
2. Ислom бобида. Илова – Иброҳим Адҳам ҳикояси.
3. Салотин (султонлар) бобида. Илова – Шоҳ Ғозий ҳикояси.

4. Риёи хирқапўшлар (шайхлар) сулукида. Илова – Хўжа Абдулло Ансорий ҳикояси.

5. Карам васфида. Илова – Ҳотами Той ҳикояси.

6. Одоб ҳақида. Илова – Нуширвон ҳикояси.

7. Қаноат бобида. Илова – қониъ ва тамагир ҳикояси.

8. Вафо ҳақида. Илова – икки вафодор ёр ҳикояси.

9. Ишқ ўти таърифида. Илова – Шайх Ироқий ҳикояси.

10. Ростлик таърифида. Илова – Шер ва Дурроҳ масали.

11. Илм ҳақида. Илова – Имом Фаҳриддин Розий ҳикояси.

12. Қалам ва қалам аҳли ҳақида. Илова – Ёқут ҳикояси.

13. Саҳобдек нафърасонлар бобида. Илова – Аюб ҳикояси.

14. Фалакдан шикоят. Илова – Искандар ҳикояси.

15. Майхўрлар ҳақида. Илова – Бани Исроили ринд ҳикояси.

16. Худнамолар ҳақида. Илова – Абдуллоҳ Мубрак ҳикояси.

17. Табиат тасвирида. Илова – Имом Зайнул Обидин ҳикояси.

18. Фалак ғамхонасида. Илова – Чин гўзали ҳикояси.

19. Хуросон таърифида. Илова – Баҳром ҳикояси.

20. Бадиуззамон таърифи. Илова – Хўжа Муҳаммад Порсо ҳикояси.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг уч композиция занжири бор:

а) дostonнинг умумий композицияси; б) мақолотларнинг композицияси; в) ҳикоя ва масаллар композицияси.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг ғоявий моҳияти, бобларнинг ўзаро боғланиши, такомиллашуви ва хусусан бош қаҳрамон шоир ва мутафаккир Навоий образи билан умумий, ягона композиция занжирига эгадир. Бу жиҳатдан қараганда ҳатто дostonнинг традицион муқаддимаси бўлган ҳамд, муножот ва наътлар ҳам унинг асосий боблари – мақолотлари билан маълум даражада боғланади. Чунки, уларда ҳам дostonнинг мақолотларида етакчи бўлган инсонийлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ва дидактик мушоҳадаларнинг куртаклари бор.

1.2. “Ҳайрат ул-аброр” Тўхтасин Жалолов талқинида

1968 йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан Тўхтасин Жалоловнинг “Хамса талқинлари” номли китоби нашр этилди. Китоб 153 саҳифадан иборат бўлиб, тадқиқот олимнинг адабиёт соҳасидаги биринчи қадами саналади. Унда Тўхтасин Жалолов Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”да мужассамланган фалсафий қарашларини талқин этган.

“Ҳайрат ул-аброр” “Хамса”нинг биринчи китоби бўлиб, 7976 мисрадан иборат эканлиги, Навоий бу асарида ҳаёт ва ҳаёт ҳодисалари ҳақида ўз нуқтаи назарларини ифодалангани Жалолов томонидан анча изчил таҳлил қилинган.

“Хамса” талқинларида “Ҳайрат ул-аброр”да илмнинг манфаати, севги, вафо, адолат, саховат, тўғрилиқ, тил, шоирнинг оғир иш шароити, золим подшоҳлар, риёкор шайхлар ва бошқалар ҳақида ғоят ибратли ва таъсирли манзум мақолотлар (суҳбатлар) ҳам ҳикоялар борлиги таъкидланади ва Навоийнинг қарашлари таҳлилга тортилади. .

Навоий агар подшо адолатли ва саховатли бўлса, мамлакат обод бўлиб, халқ осойишта яшайди деб ишонарди, бинобарин, у:

Адл ила олам юзин обод қил!

Хулқ ила одам элини шод қил!

деб подшоҳларга хитоб қилади.

Навоий бу ҳолдан каттиқ ҳаяжонга тушиб, ўзининг шоёни таҳсин “Золим подшоҳлар ҳақида”ги мақолатини ёздики, бу асар подшоҳлик тузуми учун лаънат тамғаси бўлиб қолди. Унда, шоҳлар бузуқчилик ва кайфу сафо билан машғул бўлган қасрнинг пардалари риштаси эл жонидан, безаклари халқ қонидан эканини, ғиштининг масжид бузиб келтирилгани ва тошининг эл қабридан ташиб келинганини фавқулодда бир ростгўйлик ва улуг гуманистлик билан кўрсатиб ўтади.

Эй ки қави айлади давлат қўлинг,

Зулм сари тушди ва лекин йўлинг.

*Қасрки базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб.
Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаъли-ю шингарфи улус қонидин.
Эл дуру лаъли била гавҳарнигор,
Ғиштини эл марқадидан еткуруб...*

Тўхтасин Жалолов бу байтларни мисол тариқасида келтириб, “XV аср минбарида туриб, бундай исёнкорона кўтарилиш, подшоҳларга қарши бу қадар оташин, бу қадар кескин ва бу қадар фош этувчи сўзни айтиш учун Навоийдай мард ва халқнинг жонажон дўсти бўлиш керак эди” - дейди.

Дарҳақиқат, “Ҳайрат ул-аброр”нинг “Риёкор шайхлар ҳақида”ги боби ҳам ғоят кескинлик билан ёзилган. Навоий дин номидан савдогарчилик қилиб юрган бу ҳаромхўрлар тўдасидан энг ифлос нарсадан жирканган каби жирканади. Халқ орасига хурофот тарқатиб юрган бу разил кишилар тоифасини шу қадар ёмонки, ёмонликда улар билан тенглаштирадиган ҳеч нарса тополмайди:

*Бу эл эрур барча ямондин-ямон,
Ҳар не йўқ андин ямон, андин ямон...*

Навоий ҳатто тамуғ (дўзах) ўтини ҳам уларга ҳайф кўради.

*Лейк тамуғ ҳам бу неча ғашга ҳайф...
Ўт доғи бу хайли дағалвашига ҳайф...*

Навоий “Хамса” ёзишдек улкан ижодий иш билан машғул бўларкан, жуда кўп тўсқинликларга дучор бўлганини ҳасрат билан айтиб ўтади. Шеърнинг маъносини англамаган, ашуладан баҳра ола олмайдиган, лафзлари бемаза, таркиблари суст бир гуруҳ “шоирлар” Навоийга кўп халақит берганлар. Навоий ўзининг доҳиёна асарларини майдонга чиқарганда, унга эҳсон ва таҳсин қилиш ўрнига, кўксига жафо тиғи билан уриб, жонидан тўйғазганлар. Навоий ўзининг ноқобил рақибларини ҳажв тиғи билан фош этади.

*Кўнглима кўп тиги жафо урдилар,
Дема кўнгул, жонима еткурдилар...*

Лекин, Навоий сабот ва чидам билан ўз ишини давом эттирган, душманлари қанча кўп тўсқинлик қилса, у ўз ишининг сифатини шунча яхшилаб, уларга жавоб қайтарган. Чунки, Навоий мазмун ва шакл жиҳатидан гўзал, чуқур маъноли шеъргина халқнинг мулки бўлишини жуда яхши билар эди. Маъносиз шеърлар эса, ақлли одамлар назарида ҳеч саналади.

*Назмеки маъни анга мағруб эмас,
Аҳли маонии қошида хўб эмас.
Назмеки ҳар сураат эрур хуш анга
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.*

Тўхтасин Жалолов “Ҳайрат ул-аброр” тўғрисида сўз юритар экан, Навоийнинг бебаҳо кўнгли ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмаслигини таъкидлайди. Навоий бу китобида кўнгил таърифига махсус бир боб очганлиги, кўнгил ва унинг ҳиссасига тушган ранго-ранг хазматларнинг ёрқин тасвирини берганлигини айтади.

*Эки кўнгул васфи баён айладинг,
Сен бу кўнгулни не гумон айладинг?
Гулшани жисминг аро гул гунчаси,
Йўқса гумон этма, кўнгул гунчаси.
Гоҳ қилур шамъга парвоналик,
Гоҳ пари ишқида девоналик.
Гоҳ висол ичра бўлиб айшсоз
Гоҳ фироқ ўтига айлаб гудоз...
Дарду бало тоғида Фарҳод ўлуб,
Тирноғи чун тешаи пўлод ўлуб.*

Навоий кўнгил ҳиссасига тушадиган вазифани шу билан чеклаб қўймади. Ҳали кўнгил зиммасида энг мураккаб хизматлар ва бу хизматлардан фалсафий хулосалар чиқариш вазифаси туради, яъни, кўнгил

ҳақидаги бу бобнинг яна уч бўлимчаси бор. Буларда, Навоий қалбан табиат ва жамият орасига саёҳат қилиб, ҳар нарсага ибрат назари билан қарай бошлайди. Бу саёҳатда кўрган ажойиботлари Навоийга шу қадар таъсир қиладики, у тамом ҳайратда қолади. Китобнинг “Ҳайрат ул-аброр” деб аталиши ҳам худди шундан келиб чиқади. Бадий асарда асосий ролни инсон ўйнайди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, инсон ҳамиша жамият билан табиат орасида яшайди. Инсонни жамиятдан ажратиб бўлмаганидек, табиатдан ҳам ажратиб бўлмайди. Навоий табиат лавҳаларининг тасвирига айрим равишда аҳамият берган. Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий табиат гўзалликлари орасида асосий ғояни йўқотиб қўймаган, унда ҳар вақт етакчи тамойил аниқ кўриниб туради.

Навоийнинг табиат қўйнига қалбан саёҳат қилиши, унинг жамият орасига кириб саёҳат қилишига олтин фон вазифасини бажаради. Бир томонда ўзининг гўзаллиги ва кўнгил очувчилиги билан инсонни ҳайратга солувчи ватан табиатининг дилбар лавҳалари, иккинчи томонда ҳукмдорларнинг ёвузлиги, йиртқичлиги Навоийни “ҳайрат майидан маст” бўлишига сабаб бўлади. Навоий бу ерда табиатнинг гўзаллигини, яшовчанлигини жамият орасидаги кўнгил оздирувчи мудҳиш манзараларга қарши қўяди. Бу антитеза (қарама-қарши қўйиш) жамиятдаги жирканч манзарани янада тўла тасаввур қилишга йўл очади.

Навоий табиат лавҳаларининг тасвирларига фавқулодда бир жўшқинлик билан киришади. Бу пайтда у ўзида сира кўрилмаган кўтаринки бир руҳ ва завқ ҳис этади. Шунинг учун лирик бир чекиниш билан соқийга хитобан айтади:

*Субҳдур, эй соқий этиб меҳр фош,
Тут менга бир жом нечукким қуёш.
Тонг қуши чун берди паёми сабуҳ
Нўш этайин бир-икки жоми сабуҳ.
Субҳ сафолик майидин маст ўлай,*

Тонг қушига нолада ҳамдаст ўлай.

Куйди қуёш ўтига зулмат тунни,

Учди ҳаво узра нужум учқуни.

Жилва бўлиб кам кеча товусидин

Нур кетиб гуллари кўзгусидин.

Табиатнинг бу рангин ва жилвали кўриниши Навоийни поёнсиз ҳайратда қолдиради. Лекин бу ҳайратдан нима фойда?

Ким недурур ҳайрати бефойда,

Сенга бу ҳайрат била не фойда?

Хўш, фойдали нима иш қилиш мумкин? Бунга Навоий жуда яхши жавоб беради:

Сайри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,

Айла басират кўзи бирла назар!

Навоийча, табиат гўзалликлари сайридан ҳақиқат сайри фойдали ва афзалроқдир. Бунинг учун жамият ичига кириб, ҳар нарсага басират кўзи (ибрат ва онг кўзи) билан қараш керак. Бироқ, Навоий ўз жамиятига назар солиб нимани кўрди? Унинг кўз ўнгидан, бутун вужудидан қаҳр-ғазаб, тигидан қон ва заҳар томаётган жаллодлар, инсон қонини май ўрнида ичувчи йиртқич подшоҳлар ясов тортиб ўтдилар. Навоий бу йиртқич ҳолига келган шоҳларнинг қуйидаги мудҳиш суратини чизади:

Жумлаи оламга иши қаҳр ўлуб,

Аччигидин бошдин-оёқ заҳр ўлуб,

Тиг солиб ҳар сори аччигидин,

Қон демаким заҳри томиб тигидин,

Эл бошининг косасидин жом анга

Май ерида қон бўлуб ошом анга.

Мана шу мудҳиш ва баднамо манзаралар Навоийни чексиз ғам ва андуҳларга солади. У ўзининг бу қонхўр жаллодлар орасида ёлғиз эканини ҳис этади:

Ғурбат ўти ҳар дам ўлиб шуълазан

Тушди ҳаёлига ҳавойи ватан.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг вафо ҳақидаги боби ҳам китобхонни тамом ҳайратга солади. Дарҳақиқат, инсоний фазилатларнинг бири вафодир, шунинг учун Навоий бу фазилатни энг қимматли гавҳарлардан ҳам ноёб ва қимматлироқ деб ҳисоблайди:

Ҳар на жавоҳирки ҳаёл айлағай,

Жавҳарини ақл савол айлағай,

Юз топилур бир деса бу кон аро.

Юз деса, минг анга бу уммон аро,

Ғайри ҳам улдурки, жаҳонтоб эрур,

Ким бу денгиз қаърида ноёб эрур.

Бир дур агар айласа зоҳир жамол.

Иккиси жамъ ўлмоқ эмас эҳтимол.

Сўрса отин аҳли сафо жавҳари,

Оҳ чекиб деки – вафо гавҳари.

Модомики, “вафо гавҳари” бу қадар ноёб ва бу қадар бебаҳо экан, бас, у ҳолда бевафоларни нима деб англаш керак?

Ёреки ойини вафо йўқ анга:

Шам кабидурки зиё йўқ анга.

Шамъеки йўқ анда зиё тўшаси,

Ўтсиз эрур ўйлаки муз шушаси.

Вафоли ёр топиш шарафига эришган бир гадо Навоийнинг фикрича жаҳон шоҳларидан кўра бахтиёрдир:

Жумла жаҳон шоҳлигинин ори бор,

Кимки гадодур, доғи бир ёри бор.

2-БОБ. “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” НАТАН МАЛЛАЕВ ТАЛҚИНИДА

Н.Маллаев ўзбек адабиётшунослигида Навоий ижодини кўп ва ҳўп ўрганган олим саналади. Унинг Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида қилган ишлари рўйхати қуйидагилар:

Алишер Навоий образининг вужудга келиши ҳамда такомилли замини ва босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Алишер Навоий бадиий образининг асосий замини ва манбаи тарихий воқелик, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг бой ва хилма-хил адабий ҳамда илмий меросидир. Алишер Навоийнинг сиймоси, унинг “сурати ва сийрати шу мерос билан биргаликда гавдаланади.

2. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг мижози ва хислатлари ҳақида Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифий, Заҳриддин Бобур, Мирзо Ҳайдар, Фаҳриддин Али Сафий каби XV-XVI аср муаллифларининг қимматли маълумотлари, фикр-мулоҳазалари бор. Булардан Хондамир Алишер Навоий ҳақида махсус асарлар ҳам таълиф этган. Мазкур муаллифларнинг асарларида тарихий факт ва маълумотлар билан биргаликда Алишер Навоийга бевосита ёки бавосита тааллуқли бўлган ҳикоят ва ривоятлар ҳам келтирилганки, уларда, кўпинча ҳақиқат билан ижодий тўқима чатишиб, мужассамлашиб кетган эди. Алишер Навоий тарих заминидан адабиёт оламига ўтиб, унинг бадиий образи вужудга кела бошлаган эди. Бу хусусан Зайниддин Восифийнинг бир қатор ҳикоя-латифаларига хосдир. Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар кўпроқ Навоийга алоқадор фактларни баён этиб, бу шахс ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини жиддий бир услубда баён этсалар, Восифий ҳазил-мутойиба ва ҳикоя-латифаларга ҳам кенг ўрин беради.

3. Афтидан XV асрнинг ўзидаёқ халқ оғзаки ижодиётида ҳам Алишер Навоий ҳақида турли ҳикоят ва ривоятлар пайдо бўла бошлаган, улар билан китобий ҳикоя ва латифалар бир-бирига жуда монанд бўлиб, оғзаки ижод сифатида пайдо бўлган айрим ҳикоя ёки латифа китобатга киргани каби,

айрим китобий ҳикоя ёки латифалар оғзаки ижод сифатида ҳам кенг тарқала бошлади. Масалан, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асаридаги айрим ҳикоялар, шунингдек, Фахриддин Али Сафийнинг “Латоифуттавоиф”идаги баъзи ҳикоялар айна чоғда халқ оғзаки ижодиётининг ҳам бисотидир, уларда китобийлик билан оғзаки ижоднинг кескин чегараси йўқ.

Афсуски, ўтмишда Алишер Навоий ҳақида халқ яратган асарларни ёзиб олиш одат бўлмаган. Нашр этилган ҳикоя ва латифалар эса яқин 40-50 йил ичида ёзиб олинган. Улар Навоий замондошлари асарларидаги ҳикоя ва латифалардан катта фарқ қилади. Навоий ҳақидаги кейинги оғзаки ижод асарларида тарихий фактлар билан бадиий тўқима таносиби ўзгариб кетгани, бадиий фантазияга нисбатан кенг ўрин берилгани, айрим тарихий фактлар эркин баён этилгани ва баъзи тарихий шахсларнинг сиймоси хийла бошқача талқин этилганини кўрамиз. Халқ ўз ижодиётида Алишер Навоийни комил ва идеал бир инсон каби мужассамлаштириш мақсадини ўз олдига қўяр экан, баъзи тарихий фактларга эркин муносабатда бўлади. Гарчи бундай ҳолларда халқ ҳикояси тарих заминидан бирмунча йироқлашса-да, лекин у халқнинг мақсад-муддао ва орзу армонлари оламига янада яқинлашади. Бундай ҳодиса умуман фольклорнинг табиатига хос бўлган бир хусусиятдир.

Шундай қилиб, Алишер Навоий сиймоси акс эттирилган асарларни иккига — китобий ва халқ оғзаки ижоди асарларига ажратамиз. Аммо таъкидлаб ўтилганидек, китобий ҳикоя ва латифаларнинг бирмунчасида халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мисолида биз XV-XVI аср фольклори намуналарини ҳам кўрамиз.

4. Ўтган аср Алишер Навоий образи инкишофида ҳам янги ва юқори бир босқич бўлди. Алишер Навоий ҳақида турли жанрда бир қатор асарлар яратилди. Булардан “Навоий” романи (Ойбек) ва “Алишер Навоий” драмаси (Уйғун ва Иззат Султон) тарихий жанрдаги энг қимматли асарлар сирасига қўшилди. Ёзувчилар Алишер Навоий образини яратишда тарихий манбалардан, Навоий мероси ва унинг замондошлари асарлари билан бирга

фольклор материалларидан ҳам ижодий фойдаланиб, Навоий ҳақидаги халқ ҳикоят ва ривоятларига янгича умр бағишладилар.

2.1. Сюжет ва композиция таҳлили

“Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) жанр хусусияти ва композиция тузилиши жиҳатидан “Ҳамса”нинг бошқа дostonларидан тубдан фарқ қилади. “Ҳайрат ул-аброр” фалсафий-таълимий дostonдир. Навоий бу асарида фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этиш, кишиларга таълим ва ўғит бериш мақсадини ўз олдига қўяди. Одатда бундай дostonда, кўпинча тема бирор воқеани ҳикоя қилиш асосида эмас, балки ёзувчи фикр-мулоҳазаларининг баёни асосида ёритилади. Бу ҳолат “Ҳайрат ул-аброр”нинг жанрига хос иккинчи бир хусусиятни вужудга келтиради: лирик ифодани, тавсиф ва таърифни асосий ва етакчи ифода усулига, эпик тасвирни эса қўшимча ва ёрдамчи усулга айлантиради. “Ҳайрат ул-аброр”да ҳаёт, воқелик шоирнинг эпик баёни ҳикояси орқали эмас, балки унинг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуси ва таъриф-тавсифи орқали ёритилади. Шу маънода “Ҳайрат ул-аброр” лирик-тавсифий дostonдир. Бироқ бу ҳолат унда эпик тасвирни – ҳикоя ва масалларни мустасно қилиб қилиб қўймайди. Зероки, В.Г.Белинский айтганидек, поэзиянинг уч тури “Мустақил элементлар сифатида, айрим-айрим мавжуд бўлса ҳам, лекин алоҳида асарларда кўйниш бериб, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайди. Аксинча, улар кўпинча аралаш ҳолда учрайди...”.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг бундай жанр хусусияти унинг композицион тузилишини ҳам белгилайди. Дostonнинг ҳар бир боби махсус бир масалага бағишланади. 7976 мисрадан ташкил топган “Ҳайрат ул-аброр” 64 бобга бўлинган. Булардан 21 боби муқаддима, 40 боби – 20 мақолот ва 20 ҳикоя ҳамда масал, сўнгги уч боби эса дostonнинг хотимасидир. Дostonнинг асосини 20 мақолот ташкил этади, ҳикоя ва масаллар эса илова тарзида берилади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг уч композиция занжири бор: а) дostonнинг умумий композицияси; б) мақолотларнинг композицияси; в) ҳикоя ва

масаллар композицияси. “Ҳайрат ул-аброр” ғоявий мазмуни, бобларнинг ўзаро ғоявий боғланиб бориши, биридан иккинчи бирининг келиб чиқиши, такомиллашуви ва хусусан бош қаҳрамон шоир ва мутафаккир Навоий образи билан умумий, ягона композиция занжирига эгадир. Шу жиҳатдан қараганда, ҳатто достоннинг традицион муқаддимаси бўлган ҳамд, муножот ва наътлар унинг асосий боблари – мақолотлари билан маълум даражада узвий боғланади, чунки уларда ҳам достоннинг мақолотларида етакчи бўлган гуманизм, халқпарварлик, маърифатпарварлик ва дидактик мушоҳадаларнинг куртаклари бор. Мисол учун тўртинчи муножотнинг қуйидаги мисраларини олайлик:

...Лутфу карам ганжини неткунг дурур?

Кимга атову карам эткунг дурур?

Бир неча муҳтожу асиру гадо?

Юзлари силлийи гунаҳдин қаро...

Хон анга ёйгилки эрур муштаҳи,

Тўқ эмас, ар эса бўлур мумтаҳи...

Ансаб анга луқмаки ул оч эрур,

Авли анга тўнки яланғоч эрур...

Бу масраларда Навоий бева-бечораларнинг, оч-яланғочларнинг аҳволига ачиниб, уларнинг фаровон бўлишларини орзу қилади. Низомий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, ҳамда сўз ва кўнгил таърифига доир муқаддима боблар эса достоннинг асосий қисми билан бевосита ва узвийф боғланади. Мақолотлар ўз ички композициясига эга бўлиб, уларга илова қилинган мустақил композицияли ҳикоя ва масаллар мақолотларнинг, шу билан бирга, достоннинг умумий композициясини тўлдиради ва такомиллаштиради.

“Ҳайрат ул-аброр” мутафаккир, донишманд ва мураббий шоирнинг достонидир. Бу достонда Навоийнинг турли-туман масалаларга доир

фикр-мулоаҳазалари баён этилган. Достоннинг бобларида қўйилган ва ёритилган масалаларни шартли равишда уч туркумга ажратиш мумкин: 1. Фалсафий масалалар; 2. Ижтимоий-сиёсий масалалар; 3. Ахлоқий-таълимий масалалар.

Фалсафий масалаларда объектив борлиқ ва илоҳиёт, инсон ва унинг ўзлиги, дин тасаввуф ва бошқа масалалар Навоий фалсафий қарашларининг асосий масалалар доирасини ташкил этади. Бу масалалар “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам маълум даражада ўз ифодасини топган.

Навоийнинг фикрича, оламнинг яратилишидан мақсад инсондир. Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир:

*Мунча гаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.
Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Инсоннинг бахт-саодати учун, унинг камолоти учун кураш “Ҳайрат ул-аброр”нинг асосий етакчи ғоясидир.

Объектив борлиқ ва илоҳиёт масаласи Навоийнинг хусусан “Лисон ут-тайр” фалсафий достонида кенг ёритилади, шоирнинг фикр-қарашлари ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.

Навоий динни эътироф этади, ислом ва имон шартларини таъриф ва тавсиф қилади, тасаввуфнинг Баҳовуддин Нақшбанд ва Хўжа Ахрор каби йирик намояндаларини мадҳ қилади. Навоийдек феодал ўрта аср мутафаккири учун бу табиий бир ҳол эди. Бироқ Навоийнинг дин ва тасаввуфнинг ижтимоий-синфий моҳиятини чуқур англаб ололмаганини, хусусан на дин ва на тасаввуф унинг ижоди учун асосий, етакчи фактор

бўлмаганини унутмаслик керак. Навоийнинг дин ва тасаввуф реакциясига танқидий ёндошиши, хусусан, жоҳил, инсофсиз ва ҳийлакор дин-шариат пешволарини, шайх-зоҳидларни фош этиши эса ғоятда ижобий аҳамиятга эга эди. Навоий инсонни эзиб-таловчи, уни жаҳолат ва нодонлик гирдобига етакловчи, жаннат ваъдалари билан авраб, дўзах қийноқлари билан даҳшатга солувчи руҳонийларни, мутасаввуфларни қаттиқ қоралайди, ҳажв қамчиси билан савалайди. Бу жиҳатдан айниқса “Ҳайрат ул-аброр”нинг тўртинчи мақолоти – “Хирқапўш шайхлар...” диққатга сазовордир. Навоий бу мақолотда хирқапўш шайхларнинг ташқи қиёфасини ҳам, феъл-атворини ҳам усталик билан тасвирлаб, уларни шармандаю шармисор қилади. чунончи:

Шайх хирқасининг ипи макр риштаси бўлса, елкасидаги бахялар наҳс юлдузи, чойшаби ёлғон тонг, ҳассаси ҳийлакорлик уйининг устунни, тамаъгирлик кемасининг эшкаги... соқоли кишини кулдиради; у эчкидек эгри ёғочга чиқса-да, бироқ эчки (ўйинда) ўғри тутиб беради, шайх эса ўзи ўғри. Шайх банги, қора дори унинг ёнидан аримайди. Сирти тозадек, ичи ифлос, тоши озода, ичи ахлатхона... кўйлагига мушк сепган, лекин қалбида ит ўлиб сасиган... у зикр тушиб филдек депсинади, нафс олдида қафасдаги ҳайвондек хору залил. Бандай кишига дўзах ўти ҳам ҳайф. Бироқ шу ҳолида у ўзини хизру пайғамбар деб кўрсатади... хонақоҳи фисқ-фасод маскани. У мурид овлайди, бирини хилватнишин қилса, яна бирини зўрлик билан узлатга чекинтиради. Муридлари ҳам ўзидек нодон ва алдамчи, воқеачи унга ёлғон тушини сўзлайди, шайх эса уни ёлғон сўзлар билан таъбир қилиб беради... Афсуски, бундай шайхлар обрў-эътибор қозониб, ҳатто шоҳларни авраб мурид қиладилар, инъом ва тухфага, мол-мулкка эга бўладилар. Хуллас:

Бу эл эрур борча ямондин ямон,

Кимки йўқ андин ямон, андин ямон.

Навоий бундай ҳийлакор шайх-зоҳидлар билан бирга таркидунёчи, бадбин шайх-зоҳидларни ҳам фош қилади, улар хом хаёл билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам хароб қиладилар дейди.

Хонақоҳлар тобора кўпайиб борган, шайхларнинг таъсири ортган жамият шароитида Навоийнинг шайх-зоҳидларни дадиллик ва кескинлик билан фош этиши ғоятда катта прогрессив аҳамиятга эга эди. Навоий кишиларни хонақоҳлар тузоғидан қутқозишга интилар ва ҳийлакор, бадбин шайх-зоҳидларга қарши кишиларнинг ғазаб ва нафратларини кучайтирар эди.

2.2. Етакчи ғоявий йўналиш, образлар тавсифи

Навоий бошқа асарларида бўлгани каби “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам яшаган даврининг ижтимоий-сиёсий масалаларига кенг ўрин беради. У XV асрнинг реалистик ҳаёт лавҳаларини тасвирлайди, феодал-клерикал муҳитнинг айрим иллатларини дадиллик билан танқид қилади, халқнинг орзу-армонларини куйлайди, турли ижтимоий табақаларни таъриф ва тавсиф этади, уларни бир-бирига чоғиштиради, қарама-қарши ёки параллел қўяди, бирларини олқишлайди, бирларини танқид қилади, бирларини фазл-камолотларини оширишга, бирларини хато ва хатарли йўлдан, турли нуқсонлардан қутулиб, тўғри йўлга тушишга ундайди. Шоир уларнинг шакл-шамойилларини, афт-башараларини, кийим-кечакларини, феъл-атворини, мақсад ва муддаосини, завқи ва ғзабини ёритишда санъаткорлик маҳоратини ишга солади, муболаға ва ўхшатиш, киноя ва истиора, тазод ва тадриж каби адабий усул ва бадий тил воситаларидан фойдаланилади.

Тўғри, Навоий ижтимоий-сиёсий воқеаларининг таҳлили ва таърифида жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларини, ишлаб чиқариш муносабатларини асос қилиб олмайди, жамият аъзоларини синфларга эмас, балки “яхши” ва “ёмон”ларга ажратади, муҳит иллатларининг илдизлари ва уларни бартараф этиш йўллари тополмайди. Навоий яшага муҳит унинг тафаккурини тарихий жиҳатдан чеклаб қўйган эди, ундаги заифлик ва зиддиятлар муҳитнинг заифлиги ва зиддиятларининг инъикоси эди. Бироқ энг муҳими шундаки, Навоий ижтимоий-сиёсий воқеликларини улуҳ инсонпарвар ва пешқадам маърифатпарвар мутафаккир сифатида ёритишга, эл-юртнинг манфаатларини ҳимоя қилиш асосида ёритишга интилади. Бу билан у XV аср қобиғида қолиб кетмайди, балки ундан кейинги даврларга мансуб ва манзур киши бўлиб қолади.

“Ҳайрат ул-аброр”даги:

“Одамий эрсанг демагил одами,

Оники йўқ халқ ғамидин ғами”

байти Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи бир шоир бўлиб қолади. Навоий инсонни севади, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бахт-саодати учун курашади. Навоий севган инсон ярамас хислат ва иллатлардан мусаффо, фозил ва комил инсондир. У меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-корини, лавозимини мукаммал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва интилишлари билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Навоий барча кишиларнинг ҳам ана шундай инсон бўлишини истайди.

Бироқ Навоий яшаган муҳит турли-туман зиддиятлар билан тўлиб-тошган эди, зулм ва жаҳолат, худбинлик ва маишатпарастлик, хусумат ва адоват авж олган эди, меҳнат аҳллари оч-яланғоч, маърифат намояндалари хор-зор, жоҳил ва золим кишилар ҳурмат ва иззатда эдилар. Шоирнинг орзу-армонлари яшаган муҳитининг иллатларга тўқнаш келиб, унинг аламли, қайғули мисраларини вужудга келтиради. Бироқ шоир чекинмайди, у ўша иллатларни ҳукмронлик билан танқид қилишга киришади, уларни ҳажв қамчиси билан савалайди, ҳаётни, муҳитни тузатиш, яхшилаш йўлларини излай бошлайди.

Жисмоний меҳнат аҳллари – деҳқонлар, чорвачилар ва косиб-хунармандларгина эмас, балки илм-маърифат аҳлларининг ҳам аҳволи жуда мушкул эди. Мадраса талабаларининг аҳволи янада аянчли ва мунгли эди. Навоий мусофир талабаларнинг аҳволини қуйидагича реалистик тасвирлайди:

*Зулм дурур ушбуки бир нотавон,
Илм тилаб шаҳридин ўлғай равон.
Айни фалокатдин аёғи яланг,
Халқ кўпу йўқ бири ёри анинг,
Кўздин учуб шаҳру диёри анинг.
Кўча кўпу эв кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким, қаён урғай қадам...*

*Сайр этиб оқишогача бетўшае,
Чун бўлуб оқишом тутубон гўшае.
Заъф ила ҳуги ўзига келмайин...
Не топилиб кундуз анинг маскани,
Не билиниб кеча анинг маъмани...
Бўйла гаму меҳнати даврон чекиб,
Ўну ўн беш йил югуриб, жон чекиб.
Баъзи ўлуб, баъзи итиб ҳар тараф,
Баъзи этиб доиясин бартараф...
Эврулубон доираи моҳу сол,
Зоҳир ўлуб бир-ики соҳиб камол...*

Лекин не-не машаққатлар билан ўқиб олим бўлган кишиланинг аҳволи ва истикболи унинг талабалик давридан деярли фарқ қилмас эди.

Сарой аҳллари, амир-амалдорлар, қози ва муфтилар эса зулм-зўрлик билан мол-дунё орттирар, айш-ишрат, хузур-ҳаловат билан ҳаёт кечирар эдилар. Мана золим ва жоҳил феодал ҳукмдорнинг саройи манзараси, сарой аҳлларининг кирдикори ва фаолияти:

...Базмлар муҳайё бўлган жаннат боғидек у қасрларнинг зийнати нимадан вужудга келган?..Пардаларининг ипи элнинг жонидан, лаъли ва кизил бўёғи улуснинг қонидан. Қуёш тусли нақшлар эл моли билан зарланган, элнинг дуру лаъли билан гавҳарланган. Ёиштини масжидни бузиб олиб келган, тошини элнинг қабристонидан келтирган... Шоҳ, шундай жойда шоҳона айш-ишрат сурасан... ярим тунгача шундай айш-ишрат қурасан. Бу аҳволингга қадаҳ қон йиғлайди, шамъ қуйиб, кўз ёши тўқади (шамънинг эриб оқиши), хўроз кўкка фиғон қилади (тонг отиб хўроз қичқиради)... Базмдаги қария ҳам, йигит ҳам – ҳар бири ир телба итга айланади...маст-аластликдан чарчаб ўликка ўхшаб йиқилиб ётиб қолади. Тонг отади. Бироқ шоҳ ва унинг амалдорлари уйкуда. Уйқу кўзларидан узоқлашгач, ҳар бири бир зулм билан машғул бўлади. Ўзларининг айш-ишратларини қуриш учун элга ситам

қиладилар. Яна айш-ишрат асбоби муҳайё бўлиб, яна базм бошланади... ҳар куни тунгача бу ёмонлик давом этади, тонгга қадар ғафлат ҳоким бўлади...

Қози таърифи:

*Шоҳиди одил анга ёлгон тонуқ,
Тухмат этарга дирам олгон тонуқ...
Ноҳақ учун ёзиб узун можаро,
Ўз юзидек сафҳани айлаб қаро.
Борча хиёнатни диёнат билиб,
Хўша узумким, киши ришват деса,
Куйдурубон боғни жаннат эса...*

Муфти қозидан қолишмайди. Ўзига бир оз фойдали бўлса, ҳар қандай ноҳақ ишга фотиға, тухматга фатво бўлади. Девсифат девон омили – солиқ йиғувчи амалдор қаерга бориб тушса, у ернинг тинчлигини бузади, деҳқонларнинг уй-жойини оёқ ости қилиб, фиск билан шуғулланади, мол-жонига қасд қилади:

*Бири яна омили девон бўлуб,
Дев анинг аъмолида ҳайрон бўлуб.
Чарх этиб исм амалдор анга,
Баҳра қилиб ушбу амалдор анга...
Қайси вилоятгаки азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон...
Чаҳдаги тухм арпасин оти еб,
Уйда товугларни сурук тотти еб.
Ҳосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон...*

Хуллас, мансабдорларнинг иши ел каби совурмоқ, ўт каби куйдирмоқдир... Одати – қатл этиш, ҳар бири туки – ўлим томиридир... улар итдан ҳам тубанроқдир...

Шу тариқа Навоий яшаган муҳитининг ижтимоий-сиёсий воқеликларини ростгўйлик билан тасвирлайди, иллатларини ошкор этади, реалистик танқидий манзаралар, портретлар яратади. Бироқ у муҳитининг кескин контрастлари, зулму қабохатларининг асл сабабларини тополмайди, феодал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизларини сақлаган ҳолда бу жамиятни тузатиш, унинг иллатларини йўқотиш мумкин деб ўйлайди. Бунга у кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш ва адолатли подшоҳ бошлиқ марказлашган давлат вужудга келтириш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблайди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг учинчи боби бўлган “Салотин бобида...” махсус шу масалага бағишланади, бошқа бобларда ҳам бу масала катта ўрин тутади.

Навоийнинг фикрича, худо шоҳликни насиб қилган киши ҳам аслида оддий бир бандадир. Давлат бошлиғи одил, оқил, ориф ва эл-юртга ғамхўр бўлиши лозим.

*Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Қўйни шубон асрамас ою йил,
Оч бўри туъмасидур бори бил.
Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил...*

Навоийнинг айтишича, подшо ваунинг амир-амалдорлари икки турли: “яхши” (одил, ориф) ва “ёмон” (золим, жоҳил) бўлиши мумкин. Одил ва ориф подшоларни, амир-амалдорларни мақтаган, тўғрироғи ўшандай кишиларни орзу қилган Навоий золим ва жоҳил подшоларни, амир-амалдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Мамлакат ва халқнинг тақдирини уларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракати оқибатига боғлайди:

*Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,*

Мўъмини золим ани барбод этиб...

Навоий золим ва жоҳил подшолар зулму жаҳолат йўлидан қайтишлари ва одил бўлишлари мумкин, деб ўйлайди. Овга чиқиб, деҳқоннинг хароба кулбасига меҳмон бўлган подшо Баҳром бу харобаликнинг сабабини сўраганда, деҳқон:

Деди: бурун яхиш эди ҳолимиз,

Зулм хароб айлади аҳволимиз.

Шоҳ улус ҳолидин огоҳ эмас,

Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.

Хайли очибон тамаъ оғзини кенг,

Айладилар мулкни ер бирла тенг –

деб жавоб берган эди. Деҳқоннинг сўзлари Баҳромнинг кўзини очади, у маст-аластликдан, айш-ишратдан воз кечади, адолат билан мамлакат ишларини бошқаради. У қишлоқ обод ва боғ-бўстон бир жойга айланади. Навоийнинг амалий мақсади ҳам мана шу эди. Навоий яшаган даврда ўзаро феодал ихтилофлар, реакция мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини заифлаштириб бормоқда, иқтисодий ва маданий ҳаётга катта зарар келтирмоқда эди. Давлат бошлиғи Ҳусайн Бойқаро айш-ишрат ва сарой фитна-найрангларига гирифтор бўлиб бормоқда эди. Навоий мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, хўжалиги ва маданиятини тараққий эттириш учун ўз ҳукмронлигининг хусусан дастлабки йилларида катта ишлар қилган Ҳусайн Бойқарони айш-ишрат ва сарой фитналари гирдобидан олиб чиқишга интилар ва унинг фаолиятига катта умидлар билан қарар эди. Навоий шу истак-орзу билан “Ҳайрат ул-аброр”да Ҳусайн Бойқарони мадҳ этибгина қолмай, балки “Шоҳ Ғозий” ҳикоясида унинг идеаллаштирилган образини ҳам яратади. Ҳикояда айтилишича, Шоҳ Ғозий тахтга чиқиб:

Адал эшигин элга қушод айлади,

Тахт уза ўлтирдию дод айлади,

Тузди бузуқларни иморат била,

Зулми дафъ этти адолат била...

Кунларнинг бирида бир бева кампир “сен менинг ўғлимни жангда ўлдириб юбординг, сенда қон ҳаққим бор” деб шоҳ Ғозий олдига арзга келади. Шоҳ билан кампир қози олдига борадилар. Қоғи “кампир қонга қон олмоқчи бўлса, подшони ўлдириши ё бўлмаса шоҳ уни рози қилиши керак” деб ҳукм чиқаради. Шоҳ бўйнига сиртмоқ солиб, кампирнинг қўлига қилич беради, оёғи остига танга тўкади ва:

Деди: “Қасос айласанг, олингда бош,

Сийми ол, гар гаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,

Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр”.

Кампир шоҳнинг одиллигини кўриб хурсанд бўлади, унинг қонидан кечиб, олтин-кумушни олиб, “Золи-зар” (“Тилла кампир”) деб ном чиқаради. Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ва бошқа подшоларнинг шундай бўлишини орзу қилар эди. Ҳикоядаги қози ҳам, подшо образи каби, идеаллаштирилган образдир.

Шундай қилиб, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тарихий чекланган, хийла зиддиятли бўлса ҳам, гуманизм тенденцияларига, халқпарварликка асосланган ҳамда амалий мақсадларни кўзланганлиги билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий-таълимий масалаларда донишманд мураббий Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг бир неча бобини бевосита ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишлайди. У ҳикматомиз сўзлар билан яхши хулқ-одобни, меҳнатсеварлик ва бошқа эзгу хислатларни тарғиб этади, ярамас одат ва хислатларни шафқатсиз танқид қилади.

Бешинчи мақолот қарама-қарши қўяди, улардан ҳар бирининг моҳиятини очиб беради. Саховат инсоннинг энг яхши сифати ва фазилатидир. Бироқ саховатнинг ҳам ўз шартлари бор. Сахий киши

эхтиёжмандларга кўмаклашиши, саховат беғараз, беминнат бўлиши керак. Сахийман деб тўкиб-сочиш ҳам яхши эмас, бу исрофдир:

Нақдни доғи гулдек совурмагил,

Ғунча киби доғи гириҳ урмагил.

Кишиларнинг саховатига кўз тикишдан кўра ўз қўл кучи билан кун кўриш улуғроқ ва олижаноброқ ишдир. Навоий бу фикрини тўлароқ ифодалаш учун Ҳотами Той ҳикоясини келтиради. Ҳотамдан, сен ўзингдек бошқа бирор ҳимматли кишини кўрганмисан? Деб сўраганларида, у бундай ҳикоя қилади: кунлардан бирида катта зиёфат олдидан далага чиқиб айланиб юрганимда чўп-хас йиғиб бозорга бораётган қомати букчайган бир мўйсафидни кўрдим. Унга: Ҳотами Тойнинг уйига бориб, нози-неъматидан баҳраманд бўлсангиз, бу машаққатли меҳнатни сизга ким қўйибди десам, мўйсафид бундай жавоб қилди:

“...Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,

Тортмагил Ҳотами Той миннатин.

Бир дирам олмоқ, чекибон даст ранж,

Яхшироқ андинки, биров берса ганж”.

Ҳотам ҳикоясини:

“Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,

Мендан анинг ҳиммати афзун эди” –

сўзлари билан тугатади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг олтинчи мақолоти одоб масалаларига бағишланади. Навоий бу мақолотида кишилар билан муносабат ва муомала мезони, ўзини тута билиш, бола тарбияси ва бошқалар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этади. Одоб билан тавозу бир бутунликни ташкил этади. Киши ҳар бир кишининг ҳолу аҳволига яраша муомала қилиши, катталарга хизмат, кичикларга шафқат этиши лозим:

Ҳар кишининг таврига лойиқ керак,

Сурати ҳолига мувофиқ керак.

*Кимки улугроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.*

Навоий бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балоғатга етказиш ҳақида кенг тўхтайди. Шу билан бирга, у болаларга мурожаат қилиб, шундай насиҳат қилади:

*Бошни фидо айла ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига...
Тун-кунингга айлагил нур фош,
Бирисин оғй англа, бирисин қуёш...*

Мураббий шоир ўзини тута билмаслик, ўринсиз кулги ва бошқа хилдаги салбий хислатларни ҳам қаттиқ оралайди.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг еттинчи мақолотида қаноат ва меҳнатни таърифлайди, таом емоқ, кийим киймоқ ва бошқа масалалар ҳақида қимматли фикрлар юритади, насиҳатлар қилади. Жумладан, у бундай дейди:

*... Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.
Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.
Олтун исирғаки қулоқ оғритур,
Зарҳал этурдурки, аёғ оғритур.
Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг этук ўлди оёқ осойиши...*

Мақолотга илова қилинган “Қаноатли ва тамагир” ҳикоясида Навоий “хом тамаъ даҳрда рунжур эрур” ғоясини илгари суради.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг саккизинчи мақолотида Навоий вафо ва садоқатни таъриф ва тавсиф қилади, кишиларни ҳамжиҳат бўлишга, бир-бирига қовушишга чиқаради. Чунки:

*... Йўқ ҳунари ёлғуз эса ўз киши,
Қайда киши сониди ёлғуз киши.*

*Фард киши даврда топмас наво,
Ёлгуз овучдин ким эшитмиши садо?..
Тоқ киши айши уйин бил нугин,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?*

Шоир вафо ва севгини узвий равишда бир-бирига боғлайди.
Севгисиз ҳаёт йўқ,, вафо эса севгининг шартидир дейди:

*Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.
Ёрки, ойинивафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.*

Мақолотнинг охирида шоир ўз муҳитидан, инсофсиз кишилардан аччиқ шикоят қилади. Вафо ва садоқатнинг моҳияти ва хосиятини кучайтириб кўрсатиш учун вафодорлиги туфайли Амир Темурнинг қатлидан омон қолган ҳиндистонлик икки вафодор ёр ҳақида ҳикоя келтиради.

Ростлик ва тўғрилиқ темаларига бағишланган ўнинчи мақолотда Навоий хилма-хил ўхшатишлар ёрдами билан ростгўйлик ва тўғрилиқнинг фойдаси, ёлғон сўзлаш ва эгриликнинг зарарини баён этади.

Шоир мақолотга ёлғон сўзлаши оқибатида овчининг тузоғига тушган дуррож (тус товукқа ўхшаш бир хил қуш) ҳақида “Шер билан Дуррож” масалини ҳикоя қилади.

“Ҳайрат ул-аброр” нинг ўн биринчи бобида Навоий илмга ва илм-фан аҳлига юксак баҳо бериб, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-ҳурмат қилишга чақиради ва:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,

Эмдики илм ўлди, амал айлагил, -

дейди. Шоир ўз даврида илм олишнинг нақадар машаққатли эканини, илм-фан эгаларининг хор-зорлигини ҳасрат билан сўзлайди.

Мақолотдан сўнг “Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ” ҳақидаги ҳикоя келтирилади. Бу ҳикояда айтилишича,

султоннинг ҳаммомда ювина туриб у дунёда олим қандай мартабада бўлади-ю, шоҳ қандай мартабада бўлади, деган сўроғига, олим: у дунё бамисоли ҳаммомдир, сен тож-тахтинг ва кийим-кечагингни олиб борлмайсан, менинг илмим эса ўзим билан қолади, деб жавоб бериб, уни енгади.

Ўн учинчи мақолотни Навоий элга манфаат етказиш масалаларига бағишлайди. Ҳақиқий одам эл-юртга фойда етказиши, қўл кучи ё маблағи билан, ширин сўзи ва маслаҳати билан мадад бериши лозим. Шу билан бундай киши ўзгаларгагина эмас, балки айна чоғда ўзига ҳам фойда келтирган бўлади:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,

Билки бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Аксинча, агар киши ўзгаларга ёмонлик қилса, бу билан у биринчи навбатда ўзига ёмонлик қилган бўлади:

Улки зарар шевасини тавр этар,

Элга демаким, ўзига жавр этар.

Кўрилган бобларда кишининг яхши ва ёмон сифати, хислати ва одатини бир-бирига қарама-қарши қўйиб, бирини ёқлаб тарғиб қилган, иккинчи бирини қоралаб рад этган Навоий кейинги бир неча мақолотни ярамас ва жирканч сифат, хислат ва одатни, беъмани хулқ-атворни фош этишга бағишлайди; ўн бешинчиси мақолотда майхўрлик ва майхўрларни, ўн олтинчи мақолотда худбинлик ва худбинларни аччиқ танқид қилади, уларнинг афт-башараларини ҳам, ички дунёсини ҳам фош этади.

Мураббий шоир Навоийнинг ярамас одат ва хулқ-атворини шафқатсиз қоралаши, олижаноб инсоний фазилатларни ҳормай-толмай тарғиб этиши, донишмандона ўғитлари, шубҳасиз, катта прогрессив аҳамиятга эгадир. Навоийнинг бир қатор ахлоқий-таълимий қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

“Ҳайрат ул-аброр”даги образлар системасининг характери дostonнинг жанр хусусиятлари ва композицион тузилиши билан боғлиқ. Таъкидлаб

ўтилганидек, “Ҳайрат ул-аброр” қўйилган масалаларни бирон воқеани ҳикоя қилиш орқали ёритмайди. Шу жиҳатдан қараганда у “Ҳамса”нинг бошқа дostonларидан тубдан фарқ қилади. “Ҳайрат ул-аброр”нинг спецификаси унда катта эпик образлар яратиш имкониятини бермайди. Лекин шунга қарамай, “Ҳайрат ул-аброр”да жуда кўп ва хилма-хил образлар, турли ижтимоий табақаларга мансуб бўлган турли характердаги ижобий ва салбий, ҳажвий ва мажозий образлар бор. Бу образларни дostonдаги масалаларнинг ривожланишида, асарнинг композициясида қандай роль ўйнашига қараб унга бўлиш мумкин: 1. Дostonнинг бош қаҳрамони; 2. Мақолотлардаги тавсифий образлар – портрет ва характерлар; 3. Ҳикоя ва масаллардаги эпик образлар.

Дostonнинг бош қаҳрамони – Навоийнинг ўзи. Асарнинг муқаддимасидан тортиб хотимасига қадар шоир образи китобхоннинг доимий ҳамроҳидир. Ҳатто ҳикояларда бир неча дақиқагина “чекинган” бу образ тезда шу ҳикоянинг хотимасида, лирик мисраларда, соқийга қарата айтган сўзлари ёки қиссадан ҳисса чиқариши билан яна намоён бўлади, китобхонни янги-янги масалалар, ўй-фикрлар, зиддиятлар, курашлар оламга олиб киради. Китобхон бу образнинг саргузашти, ташқи қиёфаси ёки бошқа жиҳатлари билан танишолмайди, лекин доимо унинг қалби ва шуури, ҳисси ва туйғуси, шодлиги ва ғазаби билан бирга бўлади, ҳамма нарсани у орқали билиб олади, тушунади, ўйлайди, хулоса ва яқун ясайди. Навоий бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан гавдаланади.

Шоир мақолотларда маълум бир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масала ҳақида юритган фикр-мулоҳазаларини конкретлаштириш мақсадида тавсифий образлар – портрет ва характерлар яратади. Бундай образлар қўйилган масалани ҳар томонлама тўлароқ очишга хизмат қилади, асарнинг бадиий қимматини, услубини бойитади. “Салотин” мақолотидаги золим шохлар, “Хирқапўш шайхлар” мақолотидаги риёкор шайхлар ва бадбин зоҳидлар, “Илм сипехри” мақолотидаги мусофир талабалар, “Қалам аҳли” мақолотидаги жоҳил амалдорлар, “Жаҳл майининг дурдкашлари”

мақолотидаги майхўрлар, “Худнамолар” мақолотидаги худбин ва мутакаббир амалдорлар образи ва бошқа шулар жумласидандир.

Биз булардан иккита ҳажвий тавсифий образ билан танишайлик. Навоий ўн олтинчи мақолотда мутакаббир ва золим феодал амалдор образини тавсифлаб, унинг портрети ва характерини типиклаштиради, унинг шакл-шамойили, кийим-кечаги, юриш-туриши, фикр-ўйи, феъл-атвори ва бошқа-бошқа томонларини тасвирлайди, сатира ва юмордан кенг фойдаланади.

Амалдор ўзини ботир, отини Рахш, Рахшгина эмас, балки яшин деб билади, Рустамни ҳам назар-писанд қилмайди. Гўё унинг боши кўкдан итўрт эллик қуйи, холос. Аслида у зулмда йўлбарсдек йиртқичдир. У ўзини қоплон деб билади ва ит этибилан тамадди қилади, кибр-ҳаво унинг қоши устида ажинлар пайдо қилган... Бўйнида тавқи бор, ҳатто кўчадаги дайди ит ҳам унга, бўйнингга занжир тушибди-ку, деб таъна қилади, зероки унинг бўйнидаги тавқ лаънат тавқидир. Зулмда у Заҳҳокдир, икки илони ҳалқа бўлиб ётибди... Мўйлови икки томонга шохлаб чиққан тузоқдир, бу тузоқ нафсу ҳаво қушларини ўз домига туширади. Оғзидан битта ҳам бамаъни сўз чиқмайди, чакаги эса лоф уришдан чарчамайди... жилғасининг патини бойқушнинг бошидан юлиб олгану, унга товуснинг тожи деб ном қўйган... Бўркининг учини ичига буккан, бу гўё ҳирсу ҳавас қушларига бир ошён бўлган. Агар тўни ипакдан бўлмаса, кўнгли ҳазин бўлади, ипаги Чин ипаги бўлмаса, қошлари устида чин (ажин) пайдо бўлади... нозу ҳавас билан катондан кўйлак қилган... Белбоҳи ипак, тўни олтин билан зийнатланган, этикиниг наъли зарҳал, эгари олин, жибилгири гавҳар билан зийнатланган...

Бу — образнинг ташқи қиёфаси. Маънавий олами эса бундан ҳам қабихдир. Бу образ феодал-клерикал муҳитдаги бекларнинг, амалдорларнинг реалистик, бадий умумлаштирилган типик образидир. Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўн бешинчи мақолотида майхўрликнинг зарари ва бемаънилигини ҳар томонлама фош этиб, майхўрлик балосига мубтало бўлган кишининг кулгили портрети ва жирканч аҳволини тасвирлайди.

Шоир майхўрга мурожаат қилади: қачонгача жаҳолат жомини ичасан, гурурланасан, фисқ-фужур қиласан, ўлимни паймонанг тўлишини ҳам ўйламайсан... кўчада бир телбадек кўринишинг билан болалар бошингга тош ёғдиради, манглайинг тошга тегиб ёрилади, саллангнинг печи бузилади, кишиларга қопоғон итдек ҳамла қиласан... Гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, тўғри келган жойга кўл ташлайсан... қусуғинг сақолингни бўлғайди... ит келиб ялаб уни пок қилади. Мастлигинг тарқалгач, яна бода ича бошлайсан. Бошингдаги дасторингни, белингдаги ақчангни тополмайсан. Ўликдан кафан тамаъ қилувчи ўғрилар тўнингни ечиб олган бўлади. Қини қолиб, пичоғингдан айриласан, оёғингда бир пой кавушинг қолиб, иккинчисини йўқотасан. Этагинг лой, олдинг шилта, олдингда кўл... уйингни излайсану узун бепоён кўчадан ўзгани тополмайсан. Аъзойи баданинг қақшаб титрайди, оғзинг бемаза там беради...бошинг айланган, ҳушинг йўқолган...

Шоир бу тасвирини тугатар экан, шундай хулосаловчи мисраларни ёзади:

Ҳар кишиким қилса бу сувдин тараб,

Хона сиёҳ ўлмоғи эрмас ажаб.

Сув демагил оники бир ўт эрур,

Ким етти кўк хирманини куйдирур...

Навоий мақолотлардаги масалаларни тўлароқ ёритиш учун, фикр-мулоҳазаларини янада конкретлаштириш учун бир кўргазма – намуна сифатида мақолотларга ҳикоялар илова қилади. Шоир лирик ифодадан тавсифий баёнга, тавсифий баёндан эпик воқеага ўтади. Кичик ҳажмли ҳикояда бирор саргузаштни сўзлайди, ортиқча тафсилотга берилмайди, саргузашт кўпинча бир эпизоддан иборат бўлиб қолади. Воқеа кураш ва конфликтлар билан ечилади, шу кураш ва конфликт фонида турли характердаги образлар яратилади, улар тугалланган образ даражасига кўтарилади. Шоҳ Ғозий, Ҳотам, Фахриддин Розий ва бошқалар шундай образлардир.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг бадиий хусусиятлари фалсафий-дидактик дostonнинг мислсиз ажойиб бир намунасидир. Навоий бу дostonда фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини юксак санъаткорлик маҳорати билан мужассамлаштиради.

“Ойни ёруғ, чархни демак баланд,

Табъи баланд элга эмас дилписанд”, -

деб сўз санъаткорлари олдига китобхонларнинг эҳтиёжларига мукаммал жавоб берувчи, уларнинг фикри, диди ва завқини ўстирувчи асарлар яратиш лозим деган талабни қўйган Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да шу талабга тўла амал қилади.

Навоий лирик ифодани тавсиф билан, тавсифни эпик баён билан узвий боғлайди. Бу приём асарнинг мазмунини тўлдириб, ривожлантириб боради ҳамда унинг бадиий қимматини оширади. Шоир ранг-баранг тавсифий ва эпик образлар яратади, буларнинг ҳаммаси бош қаҳрамон – Навоий образи, унинг тафаккури ва ҳис-туйғулари билан бир катта бадиий полотнога айланади. Шоир дostonдаги барча масалаларни контранс усули воситаси билан ёритади, ҳал этади. Адолат зулмга, ҳиммат бахилликка, қаноат тамагирликка, вафо вафосизликка, илм жаҳолатга, тўғрилиқ эгриликка қарама-қарши қўяди ва ҳоказо. Фикр-мулоҳазаларгина эмас, балки образлар ҳам шу зайлда бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Шоир контранс – тазод усули билан бирга тадриж (ривожлантириш), таносуб (параллелизм) ва бошқа усуллардан, сўзларнинг ва ҳарфларнинг ёзилиш шаклларида ҳам кенг фойдаланади ва бу билан мазмунни тўлдиради, бойитади. Масалан, у қаноатни улуғлашга ва подшоларни бировларнинг мол-мулки ва аҳли аёлига қасд қилмасликка чақириш учун қуйидагича сўз ўйини ясайди:

... Шоҳ ул эмаским, бошига қўйди тож,

Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...

Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,

Англа ани шоҳки, муҳтож эмас,

Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,

Ҳарф ила муҳтожду ҳам тождур.

Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,

Шоҳ дегил бу важҳ ила муҳтожни.

(Тожиға қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тож билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоғда муҳтожни ҳам шоҳ дегин, чунки “муҳтож” сўзида ҳам “тож” бор).

Навоий бошқа асарларида бўлгани каби. “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам бадиий тил воситаларидан кенг фойдаланади. Достоннинг деярли ҳар бир байтида янги-янги бадиий образлар яратади. Шоир айниқса ўхшатишни кўп қўллайди. Ўхшатиш маълум бир фикр-тушунчани тасдиқ этиш учун ҳам, рад қилиш учун ҳам ишлатилади. Қуйида биз таносуб ва ўхшатиш асосида яратилган бир парчани кўрайлик. Шоир ўринсиз (хушомад мақсадида) қилинган ҳикматни рад этиб:

...Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,

Ҳам кетурур зирани Қирмон сари.

Хизрга етгач тутар оби ҳаёт,

Миср шакар резига ҳабби набот.

Шамъни кундуз ёритур беадад,

Меҳр зиёсига берай деб мадад.

Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,

Тун сочиға бермак учун бўю ранг...

Ўйла булутдекки қуруқ боғ уза,

Ёзмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза...-

дейди. “Ҳайрат ул-аброр”нинг кўпгина байтлари чуқур мазмундорлиги ва бадиий мукамаллиги билан ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилган, айрим саҳифалар гўё бутунлай ҳикматли сўзлар тизмасидан вужудга келган. Мана йигирманчи мақолотдаги шундай байтлар:

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,

*Қаҳру сийсат ҳам эрур ногузир...
Неча маразга гар эрур суд қанд,
Нечага ҳам захр эрур судманд.
Маддаким, бермаса марҳам кушод,
Ништар ўқ айлар анга дафъи фасод.
Бормоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулар андин бадан.
Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.
Нахл сифат шам ила муз шўшаси,
Мунинг ўт, онинг сув эрур хўшаси.
Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг...*

Бу ҳикматли сўзлар халқ мақолларига шунчалик ўзшашки, айрим мақоллар Навоийнинг ҳикматли сўзларига айланиб кетганидек, шубҳасиз, Навоийнинг айрим ҳикматли сўzlари ҳам халқ мақолларига айланиб кетган. “Ҳайрат ул-аброр”да

*“Тор уни сичқонга солиб эрди ғам,
Қуйруқига боғлади ғирбол ҳам”*

(“Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига”) каби шу кунгача сақланиб келаётган мақоллар ҳам бор.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да фақат хал мақолларидангина эмас, балки халқ ижодининг бошқа жанрлари ва усулларида ҳам кенг баҳраманд бўлган. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”даги “Ҳотами Той”, “Шер билан Дуррож”, “Искандар” ва бошқа ҳикоя ҳамда масаллар халқ ижоди материаллари асосида яратилган. Навоий халқ ижодига хос сажъ усулини қўллаб, бобларнинг сарлавҳасини қофияли наср усулида битади. Халқ ижодини, жумладан, халқ қўшиқларини бутун қалби билан севган Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да:

Турк суруди била солиб қўлум,

Қилсам анда ҳай тулугум, ҳай тулум, -

деб бежиз айтмаган эди. У халқ оғзаки ижодидан узоқ бўлган, халқ асарларини менсимаган ёзувчиларни қаттиқ танқид қилади.

“Ҳайрат ул-аброр” арузнинг сариъ баҳрида (муфтаилўн муфтаилўн фоилўн) ёзилган, у маснавий йўлида қофияланган.

3-БОБ. “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” АЗИЗ ҚАЮМОВ НИГОҲИДА

3.1. Мундарижа баёни ва талқини

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи “MUMTOZ SO`Z” нашриёти билан ҳамкорликда Азиз Қаюмовни “Асарлар”ини нашр қилишга киришди.

Улар орасида олимнинг Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Огаҳий, Ҳувайдо, Фурқат каби йирик ўзбек адибларининг ижодига оид асарлари бор.

Шунингдек, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби бу юк олимлар илмий фаолиятига доир илмий-оммабоп асарлари, Ўзбекистон академиклари тўғрисидаги рисоалари ҳам бу нашрда ўрин олган. Булардан ташқари ўзбек, форс-тожик адабиёти тарихига оид мақолалари, илмий ишлари, таржималари ҳам “Асарлар” тўпламига киритилган.

Мукаммал асарларнинг I томида “Ҳайрат ул-аброр” достони тугал ва изчил таҳлил қилинган ва асар мумтоз Шарқ адабиёти анъаналарига биноан Тангрининг мақтови, унинг сифатлари таърифига аталган боблар билан бошланганлиги таъкидланган. Навоий дostonнинг муқаддимаси ва тўрт муножотни шу масалага бағишлаган. Аммо бу бобнинг асл мазмуни қуруқ тавсиф ва Холиқни мадҳ этишдан иборат эмас. Шоир бу қисмларда юксак бадиий ифодалар воситасида ўзининг дунё, унинг моҳияти, ҳаёт ва инсон тўғрисидаги тасаввурини инъикос этган. Масалан, “Ул Холиқ ҳамди”, “Яратувчининг мақтови” тўғрисидаги қисмни олиб кўрадиган бўлсак, шоир Холиқнинг “Заррадин афзун” ва қуёшдин ёруғ эканини, руҳ қуёшига нур беришини, ой, қуёш, сипеҳрни бино этганини ёзади; субҳузори гулнинг очилиши, туг эса ўша юз устига ёпилган сунбул эканини ажойиб шоирона тасвирларда ифода қилади. Шундан сўнг Навоий дарҳол инсон тавсифига кўчади. Барча мавжудот орасида фақат инсонгина ақл ва севги соҳибидир.

Чун ясабон ҳужраи тори димоғ,

Ақлдан ул ҳужрада ёқиб чирог...

Аммо ақлнинг ожиз олачуғини тез эсган ишқ ели вайрон қилади:

Ишқ елин еткурубон тунду тез,

Ақл олачуғин этиб рез-рез...

Боғи хирад нахлини ношок этиб,

Баҳри бало мавжсини қўлок этиб.

Навоий шу бобнинг ўзидаёқ ишқ бор жойда вафонинг йўқ эканини, вафо аҳлининг жонига фақат бедоду ситам насиб бўлажагини изҳор этади. Вафодан бошқа ишни тутмаганларнинг тақдири кўз ёши тўкиш, жафодан бўлак нарсани кўрмасликдир.

Кимга вафодин берибон чошини,

Бир нафас олмай кўзидин ёшини.

Кимки иши гайри вафо қилмайин,

Баҳра анга гайри жафо қилмайин.

Азиз Қаюмов асарнинг дастлабки Аллоҳ васфига бағишлаган бобларидаёқ жамият ҳаётининг туб масалалари инсон, севги, вафо ва жафо тўғрисида мулоҳазаларини ўртага ташлаши тасодифий ҳол эмас. Бу масалалар ва жумбоқлар шоир ижодининг марказида туриши; Шунинг учун у дарҳол китобхоннинг диққатини жалб эта бориши, Навоий, бу муқаддимани Илоҳ номига қуруқ мақтов ва таъриф билан эмас, балки ўзи ва инсонни ҳаяжонга солиб келаётган муҳим масалалар билан бошлагани уқтирилади. Унинг исботини “Холиқнинг аввалияти...” тўғрисидаги биринчи муножотида ҳам учратамиз. Бу муножотни ташкил этувчи қирқ икки байтнинг мазмунини дунё ва коинотнинг пантеистик изоҳи ташкил қилади.

Аввалида бидоят, охирида ниҳоят бўлмаган, аввал ҳам, охири ҳам ўзи бўлмиш Холиқ Яратувчининг ҳуснига ҳад йўқ эди. Шунинг учун унга кўзгу керак бўлди.

Жилваи ҳуснига чу йўқ эрди ҳад,

Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулианники, рангин эрур,

Ҳар гул анга оинаи чин эрур.

Шундай қилиб, тўққиз лавҳали кўк, қуёш меҳр, табиат, ёгин бўлаётган соф денгиз, чархдек айланмоқда бўлган ер, барча борлиқ унинг кўзгу сирга-мирьотига айланди. Бу гўзаллик, бу чексиз борлиқни вужудга келтиришдан мақсад одам эди. Улар ҳаммаси инсон учундир. Чунки инсон барча мавжудот ичида энг баркамоли, энг устуни, энг улуғидир. Яратувчининг гўзаллиги-кўзгуси бўлмиш жаҳон инсон учун яратилган.

Мунча гаройибки, мисол айладинг,

Борчани миръоти жамол айладинг.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,

Лек, боридин гараз инсон эди.

Инсоннинг улуғлиги шундаки, у Яратувчининг ҳар бир сўзини мукаммал уқа олади; унинг яширин сирларини ўзида яширган; унинг жисми хазиналар тилсимидир.

Кўриниб турибдики, “Аввалги муножот”да Навоий инсонни улуғлайди. Холиқ ва коинот буюклигининг мақтови шоир учун анна шу олий мақсадни ифодалашга хизмат қилади. Бутун олам инсон туфайли юзага келганини шоир қатъийлик билан таъсидлайди, одамийлик ҳар нарсадан авло ва устун туражагини зўр маҳорат билан изҳор этади.

Шундай қилиб, аввалги муножот Яратувчи васфига қаратилган бўлсада, бутун мазмун ва мақсади инсонни, инсон зотига мансубликни улуғлашдан иборат. Модомики, борлиқ, коинот Яратувчининг хусн кўзгуси экан, у эса инсон туфайли пайдо қилинган экан, демак, Навоийнинг уқтиришича, одам, инсон ўша Яратувчи учун энг севимли зот бўлиб чиқади.

Бу фикрларни Навоий учинчи ва тўртинчи муножотларда яна такрорлайди. Унинг айтишича, яратилган вужуднинг “ҳар бири бир гавҳари олий сифат”, аммо барчасининг ичида шарафлиси инсондир:

Барчасини гарчи латиф айладинг,

Барчадин инсонни шариф айладинг.

Навоий ана шу инсонни улуғлаш мақсадида қойим туради. Учинчи муножотда у маҳшар куни бўладиган воқеаларни бирма-бир тасвирлайди. Томуғ ўти аланга олмоқда, барча оху надомат чекади. Қиз онага, ўғил отага боқмайди. “Кун қизиғидан қилибон мағз жўш, кўкка чекиб ақли қиёмат хуруш”. Шундай даҳшат ҳукмрон бўлиб турган пайтда, яна шоирнинг инсонларни ҳимоя қилиб янграган қатъий нидоси эшитилади. У Яратувчини одамларни авф этишга, уларнинг гуноҳидан ўтишга чақиради. Лутфу карам денгизи мавж уриб турсаю, бир неча лаб ташна оғизлари қуриб ётганда уларни шундайча ўлдирмоқ ёки шу денгиз қирғоғидан суриб ташламоқ тўғри бўладими? Шоир Оллоҳнинг шундай ишга қодир эканини тасаввур қила олмайди, аксинча, унинг тушунтиришича, кимки кўпроқ гуноҳкор, осий бўлса, у шунчалик авф ва роҳатга сазовордир.

Демак, “Ҳайрат ул-аброр” муқаддимасидаги муножотларда Навоий Яратувчини улуғлаш орқали унинг кўзгуси, унинг гўзаллиги акси сифатида бутун борлиқ, оламни улуғлайди. Бу буюк яратилмиш нарсалар инсон туфайли, инсон учун яратилганини таъкидлайди. Шундай қилиб, у инсонни юксак таърифлайди, уни энг олий мавжудот, деб тавсиф этади. Яна у Яратувчининг қудратини васф этар экан, бу қудрат ичида унинг лутф-карами бош ўринда туражагини уқтириб, шу лутф, карам, иноят, авф денгизидан инсон баҳраманд бўлажаги шарт, деб ҳисоблайди. У инсон бирор гуноҳи учун жазога эмас, авфга муносиб, Яратувчининг улуғлиги инсоннинг қилган ёки қилмаган айбларини кечиришда эканини таъкидлаб ўтади. Бу фикрлар Навоийнинг реал ҳаёт шароитларини қандай хушёрлик билан ҳисобга олиб иш тутгани ва инсон учун нақадар жонкуяр ҳимоячи бўлганидан далолатдир.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг олти мақолати – бешинчи мақолатдан ўнинчи мақолатгача – инсон беағи ва маънавий бойлиги бўлган фазилятлар таърифига бағишланган.

Булар қарам, адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илмдир. Навоий ҳар бир бобда шу хислатлар тўғрисидаги фикрларини изҳор этиб, сўнг уларнинг исботи учун бир ибратли ҳикоят келтиради. Ҳикоят сўнгидаги икки байтда шоир соқийга мурожаат қилади ва у билан мақолатни якунлайди. Ҳар бир мақолатнинг сарлавҳаси Навоий услубидан гувоҳлик берувчи бадиий наср намунасидир. Мисол учун ўн биринчи мақолат (қиққ иккинчи боб) илм таърифидадир. Ҳақиқатгўйлик шиорини маҳкам тутган шоир аҳлининг хорузор бўлиб яшаши, жоҳилларнинг эса ганжу хазиналар эгаси бўлганини ҳасрат билан билдиради.

“Илм сипеҳрининг баланд ахтарлиғидаким, жаҳл тунини ёрутмоқ учун “айн”и қуёшдин ва “лом”и ойдин ва “мим”и қундуздин нишона айтур. Ва олимнинг бовужуди фалакдаги қуёшдек сарбаландлиги ва жоҳилнинг бовужуди ганжу мол туфроқ аро нажандлиги”.

Бу сарлавҳа мазмунидан кўриниб турибдики, шоир илм аҳлини кўкларга кўтариб улуғлайди. У илм сўзини жаҳл тунини жаҳл тунини ёритувчи қуёш, ой ва қундуз билан баравар қўяди. Илм осмонидан ёғилмоқда бўлган нурлар ана шундай ёруғлик келтирадилар. Илмга зид турган жаҳл шомининг қоронғилиги тубанлик кечасида ғафлат ғурурини қазийди ва бу кечада ёмонлик афсонасини айтади.

Олим ёмонлик ҳужумига қарамасдан қуёш каби баландликда, жоҳил эса ганжу мол эгаси бўлишга қарамай туфроқ аро пастликдадир. Алишер Навоий жамият ҳаёти билан табиат ўртасидаги умумийликларни усталик билан бирлаштира олади ва шу асосда ўзининг мазмундор, мантикий асоси бақувват мисраларини тузади:

Токи жаҳон зулми қилмиш писанд,

Ерга тўшар мева, йиғоч сарбаланд.

Пишган меванинг ерға тўкилиши, қуруқ ёғочнинг эса қўққайиб бошини баланд кўтариб туравериши доимий ҳолдир. Шоир ана шу мисол орқали жаҳонда зулмнинг барқарорлигини кўрмоқда. Разолат аҳлининг юқори, устун мавқеъларни эгаллаши, олим фозил кишиларнинг доимо азоб, уқубутда бўлишлари эса тоғ репасида чўп-чўпаклар бўлиши, хазиналарнинг эса ер остига кўмилишига ўхшатилади.

Разлга рифъат, билик аҳлига ранж,

Тоғ уза хорову ер остида ганж.

Шоир оташин мисраларда зодагон ҳукмронлигининг манфур башарасини фош этиб ташлайди. Шундан кейин ўн биринчи мақолатда “Жоҳили қотилваш” ва толиби илм тўғрисидаги ҳикоя келтирилади. Мусофирлик машаққатини чека-чека охири илм ва донишни тўла эгаллаган, иккинчи Абу Али ибн Сино даражасига етишган олимнинг молу жоҳ мақсадида ўзини “жоҳил қотилваш” ҳузурида тубанлаштирганини шоир каттиқ танқид қилади. Сўнгра Навоий ҳақиқий олимлик нимадан иборат эканини бирма-бир санаб чиқади. У илм аҳлининг қандай иш тутиши лозимлиги дарсини беради.

Азиз Қаюмов Навоийнинг олим дунёнинг ўлимтик, ташланди нарсалари бўлмиш бойлик, молу давлатга ҳирс қўймаслиги, ўз илмига муносиб йўл-йўриқ тутиши кераклигини айтиб, ана шунда у шараф гавҳарининг кони бўлиши, у энг покиза гавҳар, энг порлоқ юлдуз каби порлаб туриши лозим деган байтларини келтиради:

Олим агар қатъи амал айласа,

Илмига шойиста амал айласа,

Солмаса кўз жифаи дунйи сари,

Боқмаса туз дунийи фоний сари.

Они шараф гавҳарининг кони бил,

Гавҳари кон, ҳар не десанг они бил.

Қуёш очик бўлганида нур сочади, булут кийимини кийганда хиралашади. Ярқироқ кийимли пашшанинг жойи ўлимтиклар орасидадир. Демак, олимнинг қиймати ва мавқеъи унинг ташқи безаклари ёки ташқи кўринишида эмас, балки унинг фикридаги тўлиқлик, илмининг баркамоллигидадир. { Қаюмов. А. Асарлар. 1-жилд, 1-китоб. Ҳайрат ул-аброр талқини. – Тошкент.: Мумтоз сўз, 2008. Б.102-104 }

Навоий фаннинг, илмнинг, ҳунарнинг ролини, қимматини беҳад юксакликларга кўтаради. Унингча, илм қоронғиликларни ёритадиган чироғ, мушкулларни осон қиладиган, чин ҳаёт, бахт йўлини ёритадиган қуёш, адашганларга йўл кўрсатадиган кўрсаткич, мартабалиларнинг мартабасини кўтарадиган, одамларни одам қиладиган, подшоҳларни одил, енгилмас қиладиган омилдир. Илмли, ҳунарли одам, соғлом ақлга эга бўлган шахс, ўз мақсади катта ва унга эришиш қанчалик маҳол бўлмасин, унга эришади. У, ҳаттоки, ўлганларни тирилтади... Ким илмни дастак, раҳбар қилиб ҳаракат қилса, илм шаъмини ушлаб юрса, қоқилмайди, хор бўлмайди:

Ким олим эса нуктада барҳақ де они,

Гар базм тузор, беҳишти мутлақ де они.

Ҳар кимсаки йўқ илм анга аҳмақ дер они,

Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де они.

Шу юқорида айтилганлар кўрсатадики, Навоийча илм ғоят катта қудратга эга. Шунинг учун Навоий одамларни илмга, меҳр қўйишга, уни ўрганиш йўлида заҳмат чекишга ундайди, зўр бериб чақиради.

Навоий илм масаласида ҳам, бошқа масалаларда бўлганидек, ўзининг ҳамма нарса – инсон учун, унинг бахти, саодати учун, деган асосий принципга асосланади ва илмни шу инсоннинг бахти-саодати хизматига кўяди, бўйсундиради. Алишерча, илм қаршисида деярли ҳамма, шоҳу гадо тенгдир, ҳамма илмли бўлиш ҳуқуқига, қобилиятига эгадир, демак, ундан

ҳамма баҳраманд бўлиш имкониятига эгадир. Шундай қилиб, Навоий оддий одамларни илм ўрганишга қобилиятсиздирлар, илм ўрганишга ҳақсиздирлар, илм ўрганиш олийларнинггина ишидир, деганларга қаттиқ зарба беради.

Модомики шундай экан, илмнинг объекти – инсон учун фойда берадиган нарсаларнинг ҳаммасидир, унинг вазифаси эса – инсонларни бахтга тўқ қилишдир.

Илмни, фанни ўрганишга ундаркан, бу билан Навоий ҳақиқий инсоний хислатларни ҳам ўрганишга, уларни ўзлаштиришга ва чин инсон бўлишга чақиради. Демак, илмли бўлиш Навоий тушунишидаги ҳақиқий одам бўлиш демакдир. Демак, илмли одам ҳам ўзини бахтиёр этади, ҳам ўзгаларни саодатли қилади. Навоийча илмли одам агар ўз илмини амалга жорий этмаса, фойдали ишга сарфламаса, эл-юрт манфаатига яратмаса гўшанишин олим бўлиб қолиб, унинг илми ўзгаларга фойда етказмаса, уни илмли одам деб бўлмайди, ҳақиқий одам ҳисобланмайди. Демак, Навоий илмни умумга фойда берувчи, халққа бахт бағишловчи воситага, қуролга, инсонларнинг бир-бирларига ёрдам берувчи омил бўлишини истайди:

“Илм ўқуб амал қилмағон, ерни шиёр қилиб тухум солмоғонга ўхшар ё тухум солиб. Маҳсулидин баҳра олмағонга

Илм ўқуб қилмағон амал мақбул

Дона сочиб кўтармади маҳсул”.

Илм эгаси, олим одам инсонларни жамиятни текширади, қандай инсоннинг, жамиятнинг яхши, қандайининг ёмон эканлигини тайин этади, одамлардаги хислатларни тадқиқ этади, уларнинг қайсиси хайрли, қайсилари қабих, зарарли эканлигини муайян этади. Инсоннинг ҳақиқатан ким эканлигини, унинг яшашдан мақсади нима эканлигини, қандай яшаш зарурлигини, қандай қилса, қайси йўл билан кетса, яхши яшай олишлигини, қандай принципларга асосланган жамият, давлат яхши ё ёмон бўлишлигини, нима қилса мамлакат обод, халқ хушбахт бўлишлигини таҳлил этади, ўргатади. { Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1970. Б 175-177. }

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг ўн биринчи мақолоти сўнгида илм ҳақидаги Имом Фахр Розий билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасидаги ҳикоят келтирилган.

Сирдонлар даврасининг подшоси, дунёдаги барча диндорларнинг имоми Фахриддин Хоразмни ўзига оромгоҳ қилганда, уни кўришга Хоразмшоҳ келмади. У сўраб, бунинг олдига келмагандан кейин, илмининг кадр-қимматини сақлаб, бу ҳам бормади. Шоҳ ўз қилмишидан уялиб, пушаймон бўлди. Лекин Имом бунга парво қилмади. Орада кўп пардали гап-сўзлар ўтди. Ўртадаги парда эса кўтарилмагандан сўнг бу гап-сўздан не фойда.

Бир куни Имом ҳаммомга тушган эди. Шоҳ ҳам ҳаммомга йўл олди. Улар бир-бирлари билан кўришиб, шоҳ унга очилиб шундай савол берди:

- Эй, ўз илми билан элни баҳраманд этган, қиёмат ишларидан бир хабар бер-чи. У кун қандай машаққатлар юз беради? Ҳар бир кишининг аҳволи нима бўлади?

Шоҳ шундай маъноли саволни берган эди, камолот эгаси бунга шундай жавоб берди:

- Эй қиёмат кунини билишни орзу қилган одам, қиёмат ҳақидаги саволга энг монанд жой шу ҳаммомдир. У ерда ҳам шоҳ билан гадо бир хил аҳволга тушиб, шоҳу гадо барчаси яланғоч юради. Амалдорлар, катталар ҳаммаси сенга ўхшаб, ичкарига киргач, бору йўғи ташқарида қолади. Илму ҳунар эгалари эса менга ўхшаб, нима йиққан бўлса, ўзи билан олиб киради, вассалом. Султонликдан сенга у куни кўп фойда йўқ, лекин менга илмим туфайли яхшилик кўп бўлади. { Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1989. Б. 293. }

Навоийча, қаноат ҳам инсоннинг зийнати, инсонийликнинг нишонидир, инсоннинг олижаноб хислатларидан бирисидир. Қаноатлилик одамни жуда кўп балолардан, бахтсизликлардан сақлайди. Ким қаноатли бўлса, унинг ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларига бахт, саодат, осойишталик ёр бўлади. Қаноат инсон учун шу қадар қимматбаҳо жавоҳирлар билан тўла хазинадирки, унга

эга бўлган одам ундан ҳамиша баҳра олади. Қаноат инсон учун шундай қимматли нарсадирки, унга эга бўлган ҳеч қачон хон бўлмайди:

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,

Балки ани қилди қаноат гани.

Ганжу тажаммулни гино билмагил,

Балки гино ганжи қаноатни бил.

Нақди қаноатга чу йўқдур фано,

Жаҳд эту бу нақд ила топқил гино.

Алишер Навоий қаноатни биров кучидан фойдаланишга, ўзганинг ҳисобига бойишга қарши кўяди. Унингча, ҳар Ким ўз кучига суяниши керак, яъни ҳалол меҳнат қилиши лозим ва шу ўз ҳалол меҳнатида олинган унум унинг яшаш воситалари, ҳаёт манбаи , бўлиши керак. Инсон мана шу ҳалол улушга қаноат қилиши керак. Бу унум шундай ширинки, у бошқанинг берган ё бошқадан олинган ҳар қандай кўп, қимматли нарсадан ҳам яхшироқдир, лаззатлироқдир.

3.2. Ҳикоятлар талқини ва таҳлили

Ўн еттинчи бобда унинг адл билан иш тутиши тўғрисидаги бир воқеа келтирилади.

Ҳусайн Бойқаро юз-икки юз одам билан қазоқийликда эди. Улар гоҳо Хоразм, гоҳо Адоғда бўлар эдилар. Унга ҳукмронлик муяссар бўлган пайтда бир кампир келиб шикоят қилди. Унинг ўғли қазоқийлик йиллари Султон Ҳусайн буйруғи билан қатл этилган эди, шунинг учун ўғлининг хунини талаб қилди. Шариат қозиси дият ё қасос деб ҳукм қилди. Шунда шоҳ бошига рўмол ўраб

Деди: “Қасос айласанг олингда бош,

Сиймни ол гар гаразингдир маош”.

Кампир подшоҳнинг бу ҳаракатидан лол қолиб узр сўради. Унга шоҳ шунчалар инъомлар бердики, халқ уни Золи зар деб атади. Бу ҳикоятдан хулоса қилиб Алишер Навоимй ёзади:

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,

Шоҳ чу қилур адл, Навоий, не гам.

Соқийи гулчеҳра кетур жоми адл,

Кўрки, не гуллар очар анжоми адл!

Адл аёғин тутки, бўлиб шод ичай,

Одили давронни қилиб ёд ичай!

Шундан ҳам маълум бўладики, шоир Ҳусайн Бойқарони имкон борича кўкларга кўтариб мақтайди, уни адолатли, жасур подшоҳ сифатида таърифлайди. Бу сифатлар реал подшоҳдан кўра Алишер Навоий орзуларидаги шоҳга мансуб эди.

Демак, Алишер Навоий Султон Ҳусайн образини ҳамиша идеаллаштириб келди, унинг ҳукмронлигида юз берган айрим салбий ҳолларни (базм, айш-ишрат, майхўрлик) пардали равишда танқид қилган бўлса-да, аслида у шоҳга чин садоқат билан хизмат қилди. Унинг бу садоқати самимий эди.

Подшоҳнинг ибратли хатти-ҳаракатлари мисоли қилиб Алишер Навоий Ануширвон ҳикояси ҳамда оёғи тойилиб йиқилган қул ҳикоясини келтиради. Улардан бири ҳаё васфида, иккинчиси афв ва одамгарчилик борасида.

Ануширвон (ўттиз учинчи боб) шоҳ эмас экан пайтида бир гўзал ишқида нотавон бўлди. Бир куни у ўз маҳбубаси билан хилватда учрашиб суҳбат курди:

Комга майл айлади чун комгор,

Айлади таслим ўзин ул гул узор.

Йигит ўз дилбари сари қўл узатганда тўсатдан кўзи бир наргис бутасига тушди. У ҳижолат чекиб бу ишдан қўл тортди. Ануширвон ўз севгилисига яқинлашаётганида гулзордаги наргис гўё сезувчи, кўрувчи кўз каби тикилиб турар эди. Бир жонсиз гул бутасидан шунчалар ҳаё қилган инсон, алабатта, тирик инсонлар назаридан қанчалар андиша қилажаги аниқ. Шунинг учун ҳам у кўзига ёш олиб ўйлаган ишидан воз кечди. Дилбар ҳайрон бўлиб, “ким бу не қўл сунмоғу чекмак эди?” деб сўради. Одобли йигит бу ишга наргис кўзи монёълик қилмоқда, деб жавоб қайтарди.

Алишер Навоий ана шундай ҳаё ва одобни юқори қўяди. Ануширвон шу ҳаё хосиятидан шоҳликка кўтарилди деб ёзади:

То ани охир ариғ нияти,

Бўйла ҳаё шеваси хосияти,

Жумлаи олам аро шоҳ пйлади,

Адлини оламга паноҳ айлади.

Бу ҳикоя орқали шоир кишилар, айниқса, шоҳлар ана шундай ҳаё ва одоб эгаси бўлишлари шарт эканини таъкидлайди.

Бошқа бир ҳикоят ҳам шундай олижаноб хусусиятлардан афв, карам мадҳиясидан иборатдир (олтмиш тўртинчи бор).

Бир карамли муҳтарам шоҳ бор эди. Базм чоғида бир қул подшоҳ овқатга жуда сериштаҳа бўлиб турган пайтда тасодифан қоқиниб кетиб иссиқ ошни подшоҳнинг бошига тўкиб юборди. Барча подшоҳ уни ўлдирар, деб

ўйладилар. Аммо шоҳ қулнинг ғамгин ҳолини кўриб “лутф этибон айлади озод ани”.

Вазир шоҳдан нега бундай қилганини сўраганда подшоҳ кулиб, қулни хижолат ҳалок этиб қўйибди-ку:

Кимса ўлукни яна ўлтурмади,

Тиғи сиёсат бошига сурмади.

Ҳар киши халқ ичра гуноҳкорроқ,

Афву иноятга сазоворроқ.

деб жавоб берди.

Шоҳлар тўғрисидаги яна бир ибратомиз ҳикоя олтмишинчи бобдаги подшоҳ Баҳром воқеасидир. Унинг сарлавҳаси қуйидагича: “Баҳромнинг май мастлиғидин бахти кўзи уйқу майли қилиб, мамлакати биноси ул селдин йиқилгани ва мазлумлар фарёдидин уйғониб тадорикин қилгани”.

Бу ҳикоятда шоҳнинг бодапарстлиги туфайли бошқа мастларнинг мулкни хароб этганлари айтилади.

Бода ичиб, қилғучилар шўру шар,

Айладилар мулкни зебу забар.

Овда экан пайтида Баҳромшоҳ бир кишининг уйида меҳмон бўлди. У уй ошиқлар кўнгли каби хароб эди. Унда бир неча мазлумлар яшардилар. Уй эгаси уни танимади. У подшоҳ олдига бир қотган нон билан сув келтирди. Шоҳ бу ер аҳволини сўради. Уй эгаси:

Деди бурун яхши эди ҳолимиз,

Зулм хароб айлади аҳволимиз.

Шоҳ улус ҳолидин огоҳ эмас,

Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.

Ҳар бир кошона хароб бўлди. Илгари кориздан икки тегирмон сув чиқар эди. Ундан боғлар, экинлар сув ичар эди. Коризга қаров бўлмади, у қуриди. Натижада сувсиз қолган боғ ва экинзорлар ҳаммаси вайрон бўлди. Лекин зулм ва тамаъ ҳаддан ошди. Шоҳ бу аҳволни кўргач қайғуга тушди, кўнгли

айшу ишратдан совиди. Зулм элини пастлатиш, элга адл кўрсатиш нияти пайдо бўлди унда. Шу пайт коризда сув пайдо бўлди, деган хабар келди. Шунда уй эгаси дедик, айшпарасат шоҳ зулмни қуйиб, адл қилишга ният қилганга ўхшайди. Шоҳ бу сўзни қаттиқ танбеҳ каби қабул қилди. Сўнг у отланиб кетди ва мулкида адолатни барқарор этди.

Алишер Навоий бу ҳикоятдан қуйидаги хулосага келади:

*Хусрави ғозий эмастур даме,
Ким емагай мулку раият ғами.
Мулки не тонг ғар эрур обод анинг,
Халқи не ҳайрат, ғар эрур шод анинг.*

Баҳромшоҳ воқеаси шоирнинг зулмни қоралаб, адл ва халқпарварликни ташвиқ этиб ёзган ибратли бир пандномасидир. Бу ҳикоятнинг мазмуни “салотин зикри”даги фикрларни такрорлайди. Ўшанда айтилган айш, майпарастлик, тамаъ ва зулмнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини кўрсатувчи бир лавҳа бўлиб хизмат қилади.

Демак, Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да бошқа асарларидаги каби адолат ва халқпарварлик ғояларининг изчил тарғиботчиси сифатида қайта-қайта кўринади, подшоҳларга жасорат ва дадиллик билан адолатни ташвиқ этади, зулм ва адолатсизликнинг қанчалар нафратга сазовор бўлажagini аниқ, равшан намоиш қилади. Шу билан бирга у ҳар бир шоҳ халқ аҳволини кўнглига яқин олишини, унинг машаққатидан огоҳ бўлиб, унга ҳамдард бўлиши лозимлигини уқтиради. Баҳром ҳалиги уй эгасининг кулфатли турмушини кўргач, Навоийнинг ёзишича,

*Ғам қиличи бағрин этиб чок-чок,
Ёқин эди ғуссадин ўлғай ҳалок.*

Подшоҳ Искандарнинг ўлими тўғрисидаги ҳикоят эса подшоҳлик, ҳукмронликнинг фақат хомтамаълик, беҳудаликдан иборат эканини кўрсатувчи қаттиқ таъсир кучига эга бўлган ибратдир. Уни подшоҳларга нисбатан шоирнинг муносабатини кўрсатувчи энг олий шаҳодат деса бўлади.

Искандар бутун оламини ўз ҳукмига киритди. Ҳам шоҳ ўлиб, ҳам валию, ҳам наби, ҳикмат ила ҳам туз ўлиб машраби етти иқлимни мусахҳар қилди. Ниҳоят унга ўлим келди. Ўлиш олдидан у қабрга элтаётганингизда қўлимни ташқари чиқариб қуйинглар, токим етти кишвар шоҳи бўлган кишининг бу оламдан қуруқ қўл билан кетаётганини барча кўрсин, деб васият қилди.

Навоий бу ибратли мисолда жаҳон мулкига ҳукмдорликнинг не билан тугабини очик кўрсатиб, ҳар бир ҳукмронни ана шу фурсатни ёдда сақлашга, шунини эсда тутиб иш кўришга даъват этади.

Алишер Навоий ҳодисаларнинг ички диалектикасини тушунар эди. Шунинг учун у чинакам эътиқод аҳли, инсофли, ҳурматга сазовор зотлар тоифасини бу бобнинг иккинчи қисмида баён қилади. Ана шундай аҳл учун жону жаҳонларни фидо қилса арзийди; шоирнинг ёзишича, улар “силкибон эл яхши ёмонига енг, англаб улус йўқию борини тенг. Борлиқ арбобини фоний билиб, йўқлук ўти ичра кул қилиб” халққа берилган кишилардир. Алишер Навоий бу ерда яна маълум ва машҳур пантеистик таълимот тарафдорларини мактайди. Улар ҳар тарафда кўзгу ва шоҳидни кўрадилар, шу туфайли улар учун “кўзга ёмон кўрмак ўлуб бартараф”, кўпчиликка ҳамиша мақсад йўлини кўрсатадилар.

Йигирма тўққизинчи бобдаги ҳикоятда ана шундай зотлардан бири сифатида шоир Хожа Абдуллоҳ Ансорийни ибрат қилиб келтиради. Бу кишини бутун Ҳирот аҳли, “дема Ҳирот аҳли, бори коинот” қибла деб билар эди. У эътиқодда самимий ва садоқатли бўлган. Унинг шиори бундай эди:

Менки ишим бўлди парастии мудом,

Бийму умид иккиси бўлмиш ҳаром...

Қил дедиким қилмоқ эрур варзишим

Радду қабули ила йўқ ҳеч ишим.

Шундай қилиб, “Ҳарат ул-аброр”нинг бу бобида Алишер Навоий ўз замонаси маънавий ҳаётининг суратини чизиб беради. Бир томонда очкўз, ёлғончи шайхлар эътиқод ниқоби остида молу давлат йиғиш учун барчалари

хийлаю найранг кўрсатадилар, иккинчи томонда, чин эътиқодли кишилар самимийлик билан ўз эътиқодлари учун хизмат этадилар. Гарчи бу ерда эътиқод диний маънода бўлса ҳам, биз учун Алишер Навоийнинг чин ишончни қувватлаш, тамаъгирлик, молу дунёга ҳирс қўйиш, ёлғончилик ва қалбакиликни қоралаётгани, уни рад қилаётгани муҳимдир. Шу билан бирга яна шу бобда Навоий яшаган даврдаги мафкуравий курашлар, турли қарама-қарши мавқедаги ғоя ва амалларнинг кескин муросасиз тзқнашувидан хабардор бўламиз.

Ўн олтинчи мақолотнинг охирги мисралари Навоийнинг таълим-тарбияга оид мулоҳазалари билан яқунланган. Чунончи, у ҳеч қачон ғалаба билан ғурурланмаслик кераклигини тайинлайди. Жангда фидокорлик даркор. Аммо уни ҳеч қачон шуҳнат учун қилиш керак эмас. умуман, ўз қилган ишларини миннат қилиш, улар тўғрисида сўзлаш эрлик одатига хилофдир.

Яшии эмас гар қилиб, айтур киши,

Кўр, не бўлур қилмайин айтур иши.

Кимгаким эрлик асари ёрдир,

Бир эмас, ар қилгани минг бордир.

Кўрмаган эрликдан ўзин баҳраманд,

Бирни доғи қилмаса юз дер баланд.

Мақолатга илова қилинган ҳикоятда жанг майдонида баҳодирлик кўрсатиб душманни енгган қаҳрамоннинг юзи ёпиқ экани тўғрисида сўз боради. унга парда ҳижобини юзингдан арит, саф аро сур, элга ўзингни танит дейилганда у “улки анинг ишқида қилдим жиҳод, жумлаи ҳолимдин эрур огаҳ ул, қайси қадам урсам эрур ҳамрах ул” деб жавоб беради. Навоий ўз фикрини тасдиқлаб:

Ҳар киши коме тиласа ёрдин,

Ёр иши махфий керак азёрдин,

деб ўгит беради.

Ўн биринчи мақолатдаги ҳар иккала образ – олими баркамол ва жоҳили қотилваш тўғрисидаги бу ҳикоят кутилмаган ниҳояга эгаю. Алишер Навоийда ҳеч қачон бир томонламалик бўлган эмас. агар у жоҳилларнинг баланд мавқеъга эга бўлиб, олимларнинг хорликда бўлишини қайта-қайта такрорлаш ёки таъкидлаш билан чекланадиган бўлса, у маълум бир қолипдан чиқмаган бўлар эди. Шоирнинг улуғлиги ҳар доим ҳаёт мавқеида муқим тургани, ўткир кузатувчанлиги, ҳаётий лавҳалар асосида ўзининг фалсафий, ахлоқий умумлашмаларини яратганлигидадир. Ҳар икки қарама-қарши моҳият ва табиат, белги ва хусусиятлар эгаси бўлмиш шахслар таърифидан сўнг шоир ёзади:

*Ул бири ул фазлу фасоҳат била,
Бу бири бу феъли қабоҳат била.
Турфароқ улким мунга бир эътибор,
Ким юз анингдекни қилиб хору зор.
Мунинг отин халқ амир айлабон,
Элни бу от бирла асир айлабон.*

Ўта золим, жоҳил, қотилваш амирдир. Шу туфайли унга эътибор ортиқ, юз фазлу фасоҳат аҳли унга хору зордир. Бу замона ва даврон тақозоси билан шундай. Аммо Алишер Навоийни ҳайрат ва ғазабга келтирган фақат бугина эмас, балки

*Кўр не малаквашни қилиб нафси дун,
Деву лаин олдида хору забун...
Чунки дуо хатмини айлаб, қўнуб,
Уйга азимат қилибон ер ўнуб.
Баст қилиб беҳуд ўзи ёт ила,
Мажлис этиб шарҳи мубоҳат ила.*

Демак, ўша лим ва фозил малакваш жоҳил ва қотилваш амир ҳузурига, ўша лаънати дев олдида ўзини хору забун этиб кириб келади, ер ўпиб уни дуо килади, унинг хизматида бўлади. Мутафаккир шоир даврон ва тақдирнинг

кажлигига чидам ва сабр билан қарор қилиши ёки тан бериши мумкин эди. Лекин малакваш олим бу қотилваш ҳузурида ўзини ўзи хор қилади. бу хорлиққа келтирган омил ўша олимнинг “нафси дун”, яъни очкўзлигида, нафс йўлида ўзини хорликка, тубанликка мубтало этишга тайёрлигидадир. Ана шунга шоир чидай олмайди. У истиғфор айлаб ўзининг ҳамсуҳбати китобхонга фиғон билан мурожаат қилади.

*Тенгри учун кўрки, бу не ҳол эрур,
Шаммаи таърифида тил лол эрур.
Ул не тафаръун, бу не накбат бўлур,
Ўрталарида бу не суҳбат бўлур?*

Агар олим ўзини шу йўсинда тубанлаштира, у олим эмас, ўзига золим, у гумроҳ, алдамчи, жоҳилдир. Алишер Навоий бу ҳаққоний ва қатъий хулосаларини шиддатли мисраларда очиқ ва рўй-рост баён қилади:

*Жоҳил агар улдиру олим будур,
Олим эмас, ўзига золим будур.
Илмни ким воситаи жоҳ этар
Ўзинию халқини гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил.*

Кимки илмни бойлик орттириш воситасига айлантира, у ўзини ҳам, халқни ҳам йўлдан оздиради, унинг илми жаҳлидан нишонадир. Шоир бундан ҳам каттароқ ифодаларга ўтади. Унинг айтишича, илмни амал, бойлик учун фойдаланиш билан олим ўзини ўлимтиклар орасида дайдиган итга, озода кийимларни нажосат ичра булғаш учун кийган кишига ўхшайди.

*Илм ила ким жоҳга майл айлабон,
Баҳр сўйин хайга туфайл айлабон.
Итки эрур жифада мақсуд анга,
Бўлса мурассаъ жуди не суд анга?
Дунки топиб илм раёсат учун,*

Хилъат этиб ҳулла нажосат учун!

Шу йўсинда минг машаққат билан илму фазл орттириб кейинчалик бир жоҳил саводсиз амир хизматида ўзини тубанлаштирган кишини тасвирлаб, шоир қаттиқ таассуф билдиради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларини оташин эҳтирос билан ташвиқ этувчи илҳомли асарлар яратдики, илм-адаб аҳлини фалсафий мушоҳадалари, бадиий оҳангдорлиги билан ҳайратга солди. Буюк “Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”нинг Ўз РФА ШИ фондида 13 та қўлёзмаси сақланади.

Бизнинг ушбу диссертациямиз Алишер Навоий “Хамса”сининг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” достонининг ўрганилиши тарихига, хусусан, асарнинг Т.Жалолов, Н.Маллаев, А.Қаюмовлар томонидан ўрганилиши тарихи талқинига бағишланган. Иш кириш, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари уч бобдан ташкил топган. Ўз навбатида боблар ички бўлимларга ҳам тақсимланган.

Диссертациямизнинг кириш қисмида биз мавзунинг ўрганилиши, тарихини баён этганмиз, долзарблиги, янгилигини таъкидлаганмиз. Бундан ташқари кириш қисмида ишнинг назарий, методологик асослари, амалий қимматини қайд қилганмиз.

Ўтган асрнинг 30-йилларида машҳур таржимон адиб, Тўхтасин Жалолов Қўқон адабий муҳитини ундаги шоиралар ижодини ўрганиб алоҳида рисола яратиш билан бирга Навоий ижодини тадқиқ ва талқин этишга алоҳида эътибор қаратди.

У олим Навоийнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш, лирик ва илмий меросини таҳлил қилиш билан бир қаторда “Хамса”ни ўрганишга жиддий киришган. Узоқ йиллик меҳнат натижасида олимнинг беш дoston таҳлилига бағишланган махсус “Хамса талқинлари” деб номланган китоби нашр этилди. Бу асарда муаллиф ўз олдида кенг халқ оммасини “Хамса” дostonлари мундарижаси билан ошно қилиш вазифасини қўйган эди. Шунинг учун рисолада “Ҳайрат ул-аброр”дан тортиб, барча дostonларни мухтасар мазмуни баён этилиб, уларнинг ғоявий йўналиши, образлар тизими анча батафсил шарҳланган. Жумладан, олим “Ҳайрат ул-аброр”ни ҳам анча

зукколик билан кузатиб, ундаги ахлоқ-одоб, инсонпарварлик ғояларини кенгроқ шарҳлашга Навоийнинг ҳикмат билан йўғрилган байтларини кенг ўқувчилар оммасига етказишга ҳаракат қилган. Ушбу рисола кейинчалик А.Қаюмовнинг 10 жилдлик танланган асарларининг 1 жилдини ташкил этган. Рисоланинг жилддаги нусхасида бир қанча ўзгаришлар, янгиликлар мавжуд. Жумладан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг ахлоқ-одобга бағишланган бобларининг талқини янада кенгайтирилган. Доғистон таҳлилини кузатар эканмиз, Навоий бизнинг кўз ўнгимизда бир гуманист санъаткор сифатида гавдаланади.

Хуллас, “Ҳамса талқинлари”ни ўқиган китобхон “Ҳайрат ул-аброр” достони ҳақида лўнда тасаввурга эга бўлади. Навоийнинг ҳикматли сўзлари билан ошно бўлади. Шунинг учун ҳам бу асар бир неча маротаба қайта-қайта нашр этилган.

Маълумки, профессор Натан Маллаев ўтган асрнинг 50-йилларида ўрта мактаблар учун 60-йилларнинг бошларида олий мактаблар учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини яратишда Навоий ижодига ҳам алоҳида эътибор берилган. Муаллиф мактаб ҳамда олий мактаб дастурлари талабидан келиб чиқиб Навоий “Ҳамса”сини таҳлил қилган.

Олий мактаблар учун ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида “Ҳайрат ул-аброр” достони таҳлилига алоҳида эътибор берилган. Профессор Натан Маллаев, Тўхтасин Жалоловдан фарқли ўлароқ дoston таҳлили, дostonнинг умумий, ижтимоий, фалсафий моҳиятини кенгроқ тушунтириш билан бирга унинг таълимий, тарбиявий жиҳатига махсус эътибор берган. Жумладан, дарсликда “Ҳайрат ул-аброр”даги ахлоқ-одоб, таъзим-тавозуъ, дўстлик, ҳаё, ижтимоий адолат, илм-маърифатни қадрлашга доир ҳикоятларни ажратиб таҳлил қилган, уларнинг маърифий, таълимий, тарбиявий жиҳатини бўрттириб кўрсатишга интилган. Фан дастурлари, дарслик талаби шуни тақозо этади.

1992 йил устознинг “Сўз санъатининг гултожи” рисоласи чоп этилди. Унда “Ҳайрат ул-аброр”нинг композицион хусусияти ҳақида алоҳида тўхталган. Бу китобга ҳам дарсликдаги “Ҳайрат ул-аброр”га бағишланган бўлим тўла киритилган. Унда достондаги ҳамд ва наътлар дарсликдагига нисбатан анча кенг талқин этилган, таҳлил қилинган. Айрим ҳикоятлар таҳлили ҳам янада чуқурлаштирилган.

Машҳур навоийшунос академик Азиз Қаюмов Навоий ижодини кенг қамровли ўрганишга улкан ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Устоз “Ҳамса” достонларини ўрганишга бағишлаб, 5 рисола ёзганлар. Улардан биринчиси “Ҳайрат ул-аброр талқинлари” деб номланади. Ушбу рисола ўзига хос илмий, оммабоп асардир. Зероки, китобда муаллиф “Ҳайрат ул-аброр”ни яхлит талқин этган. Ундаги ҳамд, наът, муножотлар тўлиқ шарҳланган.

Достон бобларининг тугал табдилини келтирар экан, муаллиф асардаги барча лавҳаларни кичик деталларгача китобхонга шарҳлаб тушунтиришга интилган. Натижада ўқувчи “Ҳайрат ул-аброр” достонининг муқаддимасидан хотимасигача бўлган барча лавҳалар билан танишади. Ҳикоятларнинг сюжетларини уқиб олади.

Назаримизда, бу таҳлиллар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ахлоқий-таълимий, ижтимоий-фалсафий моҳиятдаги “Ҳайрат ул-аброр” достонини уч забардаст олимимиз 3 хил йўналишда, усулда талқин ва таҳлил этганлар. Айниқса, А.Қаюмов устознинг “Ҳайрат ул-аброр”ни ўрганиш борасидаги ишлари ниҳоятда мукамал ва салмоқлидир. Сабаби А.Қаюмов Т.Жалолов ва Н.Маллаевнинг “Ҳайрат ул-аброр” хусусидаги тадқиқотларини синчиклаб ўрганган, таҳлилларга эътиборини қаратган ва ўз ишида устозлар анъанасини мукаммаллаштириб, тўлдириб асарни таҳлил этган.

Бизнинг ушбу ишимизнинг олимлар ижодини, хусусан, уларнинг бир асар ҳақидаги кузатишларини умумлаштиришга бўлган бир уринишларидир.

Бу навоийшуносларнинг ҳар бирининг ижоди алоҳида илмий тадқиқотлар объекти бўлишга арзийди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган). Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.
4. Каримов И.А. Ватанимиз тараққиёти янги босқичга кўтарилган йил бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
8. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 346 б.
9. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 109 б.
10. Абдурахмон Жомий (илмий тўплам). – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 112 б.
11. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари: Мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. 184 б.
12. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. 215 б.
13. Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-аброр” достони. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 2006.
14. Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-аброр” достони. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1989.
15. Алишер Навоий. Танланган асарлар. 15 томлик. 13-том. –Тошкент: Фан, 1997.

16. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1967. 272 б.
17. Алишер Навоий. Хамса. –Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси, 1961. 1666 б.
18. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. 724 б.
19. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. 616 б.
20. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 20-том. – Тошкент: Фан, 2003. 568 б.
21. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. (Адабий илмий мақолалар). – Тошкент: Адолат, 2004. 192 б.
22. Валихонов А. Ғазал нафосати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. 232 б.
23. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 192 б.
24. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. 176 б.
25. Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, -Тошкент: 1968. 7-9 б.
26. Жалолов Р. Нафосат оламида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. 414 б.
27. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр (Алишер Навоий ғазаллари асосида). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 224 б.
28. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. 495 б.
29. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзаднашр, 1961. 266 б.
30. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Тошкент: Шарқ, 1996. 144 б.
31. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. 168 б.
32. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. 128 б.

33. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. 272 б.
34. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. Ўзбекистон, 1999. 208 б.
35. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. 333 б.
36. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1976. 664 б.
37. Маънавиятимиз юлдузлари (Марказий осийлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2001. 408 б.
38. Матёкубова Т. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. –Тошкент: Фан ва технология, 2010. 164 б.
39. Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: Фан, 1968. 354 б.
40. Навоий замондошлари. Терма шеърлар. –Тошкент: Ўздавнашр, 1948. 208
41. Навоий замондошлари хотирасида. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1986. 221 б.
42. Навоийга армуғон. Нашрга тайёрловчи Ў. Қўшоқов. – Тошкент: Фан, 1968. 208 б.
43. Навоийга армуғон. 2-китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2000. 113 б.
44. Навоийга армуғон. 3-китоб. Нашрга тайёрловчи Ф.Набиев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2003. 147 б.
45. Навоийга армуғон. 4-китоб. Нашрга тайёрловчи К.Муллахўжаева. – Тошкент: Фан, 2004. 161 б.
46. Носиров О, Жамолов С, Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрляри. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
47. Раҳмонов В, Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. 72 б.
48. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. 216 б.

49. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. –Самарқанд: Зарафшон, 1996. 64 б.
50. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
51. Сирожиддинов Ш. XV – XVI асрлар тарих ва тазкира – эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. – Самарқанд: Зарафшон, 1997. 100 б.
52. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. (Ҳаёти ва ижоди). –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1971. 188 б.
53. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. 303 б.
54. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. 112 б.
55. Ўзбек адабиёти намуналари. 1 жилд. –Тошкент: Ўқитувчи, 1928.
56. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. Ойбек ва Порсоҳон Шамсиев таҳрири остида. 1 том. –Тошкент: Ўқувпеднашр, 1941.
57. Ўзбек адабиёти. 4 томлик. 1-том. –Тошкент: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт, 1959.
58. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2-том. –Тошкент: Фан, 1977.
59. Қаюмов А. Асарлар. 4 жилдлик. 3-жилд. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.
60. Қаюмов А. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.
61. Қодирова М. Улуғ аждодлар изидан. // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент: 1998, № 4.
62. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991.
63. Ҳайитметов А. Навоийнинг методи масалалари. –Тошкент: Фан, 1963.
64. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1974.
65. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
66. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

67. Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. –Тошкент: Маънавият, 1998.
68. Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1969.
- 69.** Ҳомидий Ҳ. Қўҳна шарқ дарғалари. –Тошкент: Шарқ, 1999. 352 б.